



Шомга яқин туман қуюқлашди. Иброҳим шаҳар четидаги ойнаванд дўконининг бир бурчагида оёқларини чалиштирганча ташқарига асабий термулиб, тутундек тарқалаётган туманнинг аста-секин йўл четидаги дов-дарахт учларини, паст-баланд биноларнинг томларини қандай қоплаб олаётганини кузатиб ўтирарди. Пештахта устида ётган қўл телефони тинимсиз жириглар, Иброҳим сийрак қошларини чимириб, телефон ойначасида пайдо бўлаётган ёзувга бир-бир назар ташлаб қўяр, лекин уни қўлига олиб жавоб бермас эди. Ҳар кун шу аҳвол, кеч кирмасдан хотини қўнғироқ қилиб бошлайди: “Дадажониси, бугун манти қилаяпман, эртароқ келасизми?”. Бирпас ўтгач, яна телефон жириглайди: “Келишингизда қизларингизга йўл-йўл дафтар олиб келинг, дафтарлари тугаб қолибди. Дўконни ёпдингизми, келаяпсизми?”. Ярим соат ўтар-ўтмай яна: “Келаяпсизми? Манти тайёр бўлди. Болаларингизнинг қорни оч, дадам билан бирга еймиз, деб емай ўтирибди”. Хотини бу гапларни худди маъшуқалар каби овозларини товлантириб, нозланиб, эркаланиб айтаётган бўлса ҳам, “дод” солиб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб тургани икки томонга ҳам маълум эди. “Мижоз кўп, хотин, савдони ташлаб уйга чопиб кетмайман-ку”, жуда банд одамдек гўшакни дўқиллатиб қўярди у кўпинча. Шу билан... у уйга тунни яримлатмаса ҳам, болалари ухлаб қолгандан сўнг борарди. Сўнг гина-кудурат, ёлвориш, кўз ёшлари... Хуллас, эрига ишончи йўқолган ҳамма хотинлар каби...

У хотини ва болаларини ёмон кўради, деб бўлмасди, албатта. Хотинини жуда яхши кўрмаса ҳам, унга астойдил ачинарди. Аёли қишлоқда обрўли муаллима, ҳамма ҳурмат қилади, ҳамиша уйим-жойим деб куйиб-пишиб юради. Уч боланинг онаси бўлса ҳам келишган, ёқимтойгина аёл. Бир замонлар шу аёлнинг ўпкаси билан нафас оладигандек, шу аёлнинг кўзлари билан дунёни кўраётгандек ҳис қилар эди ўзини. Уни йўқотиб қўйишдан жуда қўрқар эди. Уйга қайтганда ёш боладек унинг изидан эргашиб юрарди. Албатта, Гулҳуморни қайта учратиб қолгунича...

Гулҳумор!.. Бу қиз мактабда ҳаммининг орзуси эди. Қаршисидан чиққан мардум у ўтиб кетгач, ортига бурилиб қараб қолмасдан иложи йўқ эди. Унинг отаси аллақердан шу ердаги катта бир ташкилотга хўжайин қилиб юборилган, онаси ҳам бу ернинг одами эмаслиги билиниб турарди. Жуда келишган, олифта аёл эди. Улар Иброҳимлар олтинчи синфда ўқиётганда кўчиб келишди. Синфда Иброҳимнинг ёни бўш эди, муаллим Гулҳуморни унинг ёнига ўтирғизиб қўйди. Ҳамма болаларнинг ичи ёнди. Дарсдан сўнг “Янги қизга нега мунча тиқилиб ўтирдинг?”, “Нега мунча пичирлашдинглар?” деб атай



жиғига теккан болалар кўп бўлди. Иброҳим эса бутун вужудидан ажиб бир гулларнинг нозик ифори келиб турган янги партадошига тиқилиб ўтириш, у билан нимадир деб гаплашиш нари турсин, олти соат дарсни унинг ёнида нафас олишга ҳам журъат қила олмай, зўрға ўтказган эди. Лекин мактабдан чиққанда руҳини қандайдир сармастлик қоплаб олди. Хиралик қилаётган синфдошларига “Э-э, боринглар-е!..”, деди-да, тез-тез юриб кетиб қолди. Эртаси куни муаллима Гулхуморнинг дафтарини “Мана шундай чиройли ёзиш керак, дафтарнинг тоза-озодалигини қаранглар”, деб ҳаммага ибрат қилиб кўрсатди. Кимнинг фарзанди эканлигини ҳам айтди. Қизнинг овози жуда чиройли, жавоблари ҳам бийрон-бийрон эди. Энди синфдош болалар унга эҳтиёт бўлиб қарашга мажбур бўлиб қолишди. Лекин қиз математикадан масалалар ечишга бироз қийналар эди. Иброҳимнинг “тап-туп” қилиб масала ечиб ташлашига қараб, “Вууй, сен математикадан зўр экансан. Калланг роса зўр ишлар экан-а”, деб ҳаваси келди. Гулхуморнинг ўрнида бошқа бирон синфдош қиз бўлганда, эҳтимол, масалани шунчаки кўчиртириб қўя қолган бўларди. Аммо у Гулхуморнинг кўр-кўрона кўчиришини эмас, масала ечишни ўрганишини истагани учун танаффус пайтлари эринмасдан ечиш йўлларини ўргата бошлади. Кейин-кейин дарсдан сўнг мактабда қолиб, уй вазифаларини бирга ишлашадиган, сўнг биргаликда уйга қайтишадиган бўлишди. Кўпинча синфдош болалар у ер-бу ерда тўдалашиб, уларнинг мактабдан чиқишини пойлаб туришар, болалар қўшилиб олишса, Гулхумор “Мен кетдим”, деб тез-тез юриб кетиб қоларди. Бундан баъзи синфдошларининг аччиқлари чиқар, баъзан очиқдан-очиқ рашк қилишиб, бир баҳона топиб, Иброҳим билан ёқалашиб кетишар эди. Бундай аччиқ-терс муносабатлар баъзан синфда, Гулхуморнинг кўз ўнгида ҳам бўлар, Гулхуморни ундан қизғонаётганларини баъзан очиқ айтиб юборишар, аммо қиз бу жанжалларнинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқдек кулиб ўтираверарди. Математика эса алгебрага айланди, унга геометрия қўшилди, Иброҳим шунча майдалаб тушунтирса ҳам, қизнинг математикани мустақил еча олиши кундан-кунга қийин бўлиб бораверди. Ўзлари ҳам улғайишди. Лекин ҳамон масала-мисолларни бирга ечишарди. Тўғри, энди уларнинг ёнида яна бир қиз, Гулхуморнинг энг яқин дугонаси Санобар пайдо бўлган. Бу қиз деярли гапирмас, унга математиканинг умуман кераги ҳам йўқ, Гулхуморнинг “Кетма, одамлар йигит киши билан ёлғиз юрибди, деб гап қилишлари мумкин”, дегани учунгина уларнинг ёнида ўтирарди. Аслида уларга қўриқчининг умуман кераги йўқ эди. Улар мактаб, машғулотлар, масалалардан бошқа ҳеч нарса ҳақида гаплашишмасди. Иброҳим кўп марта унга кўнгил очмоқчи бўлди, аммо кундан-кунга сулув бўлиб бораётган қизга нимадир дейишга журъат қила олмасди. Айниқса, кимсан



Дадабековнинг қизи бўлса, унинг отаси эса бор-йўғи бир дўкончи. Кутилмаганда... Ўша куни Санобар мактабга келмаган эди. Нимагадир кун бўйи Гулхуморнинг чеҳраси очилмади. Қайтишаётганда юрагини очди: “Иброҳим, онам ўзимнинг онам эмас. Биз жуда кичкиналигимизда онамиз ўлиб кетган. Кейин отам шу ўғай онамга уйланган. Буни доим укам билан мендан яширишади, ўғай онам бизга сира ёмон гапирмаса ҳам, унинг ўғайлигини доим ҳис қилиб тураман. Қарашларида, гапининг оҳанглирида... Ўшандай пайтлар ўзимнинг онамни жуда соғиниб кетаман, кўргим келиб кетаверади”, унинг ҳамиша жилмайиб турадиган катта-катта кўзлари ёшга тўлиб, лаблари алланечук титраб турарди. Аслида бу сирни маҳаллада кўпчилик билади, лекин болаларни аяб, бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмайди. Ҳатто табиатан ҳеч қандай гап-сўз билан иши бўлмайдиган Иброҳим ҳам биларди. Лекин ҳамиша башанг кийиниб юрадиган бу гўзал ва мағрур қизнинг ҳам юрагида армон бўлиши мумкинлигини сира ўйлаб кўрмаган экан. Қиз узун-узун оппоқ бармоқлари билан кўзларидан шашқатор оқаётган ёшларни қайта-қайта сидириб ташларди. Иброҳим дафъатан унга нима деб тасалли беришни, қандай юпатишни билмай талмовсираб қолди. Бироз ўтгач, яна қизнинг ўзи гапирди: “Тафин биров-яримга гапириб юрма. Отам эшитса, қаттиқ хафа бўлиши мумкин. Одам баъзан кимгадир ёрилгинг, дардлашгинг келади... Лекин бировга бир нарса дейишдан кўрқаман. Уйдагиларнинг қулоғига етиб борса... Нариги маҳаллада ўз онамнинг синглиси – холам яшайди. Ҳеч бўлмаса, шу кишини бориб бир кўрсам, гаплашсам, дейман. Лекин отам унинг ёнига боришимизни тақиқлаб қўйган”.

Шундан сўнг анча вақтгача тезроқ қизга кўнгил ёриб, бу ерлардан уни бутунлай бошқа ёқларга олиб қочиш кетиш ҳақида ўйлаб юрди. Ўзича режалар тузди. Лекин олиб қочиш эмас, кўнглидагиларни айтишга ҳам жазм эта олмади.

Мактабни битиришгач, синфдош болалар йиғилишиб, Тошкентга ўқишга йўл олишди. Гулхумор кўярда қўймай Иброҳимни ҳам ўзи топшираётган институтга ҳужжат топширишга кўндирди: “Бир вақтда топширганлар битта хонага тушиб қолишар экан. Бирга тушсак, бир-биримизга ёрдам берамиз. Ўқишга киргандан кейин ҳам менга кўп ёрдамнинг керак бўлади”. Иброҳим “Йўқ”, демади, аммо бироз малол келди, бу қизга унинг ўзи керакми, ёки фақат ёрдамими? Лекин агар ўқишга кириб қолишса, унинг мавқеи оддий дўкончининг ўғлиликдан курсдошлик даражасига кўтарилиши, ўқиш давомида қизга янада яқин бўлиш имконияти кўнглидаги орзуларга эрк бериб юборарди. Бахтга қарши у ўқишга кира олмади. Иброҳимнинг отаси “Ота-бобомиз



уламо ўтмаган. Савдо билан кун кечирган. Дўконда ишлайсан”, деб, ўқиш ҳақидаги орзуларига бутунлай нуқта қўйди. Гулҳумор эса, отаси гаплашганми, осон саволлар тушиб қолганми, ҳарқалай юқори балл билан қабул қилинди.

У ёзда яна бир бор ҳужжат топшириб, омадини синаб кўрмоқчи эди. Ёзги таътилни кутиб юрган кезлари Гулҳуморни холасининг бойвачча ўғлига унаштиришганини, тўйлари ёзга белгиланганини эшитди. Ҳамма “О-ҳо! Онаси шундай чиройли қизни бегона қилармиди?”, деди. Иброҳимнинг юраги эса қалампир сепгандек ачишди. Негадир қизнинг қилган ўша ҳасратини эслади. Балки рашк туфайлидир, ҳарқалай унга энди бечора қизни қайнона ҳам ўгайлик қилиб қийнайдигандек туюлди.

Гарчи у қизга бир нарса демаган, қизнинг ваъдасини олмаган бўлса-да, кўп йиллар шу қизни ўйлаганда ўзини хўрлангандек ҳис қилиб юрди: “Унинг отаси ҳам амалдор бўлганида... Ҳеч бўлмаса у ҳам ўқишга кирганида... бемалол кўнглидагиларни айтиб, розилигини оларди. Унга совчи юбориб, уйланган бўлар эди”. Кейин ўқишга ҳам уринмади.

Шу билан қанча сувлар оқиб ўтиб, Иброҳим уч болали бўлганда яна кутилмаганда Гулҳумор пайдо бўлди. Қизлик қадди-қомати бироз тўлишиб, ўзи анча сипо, жиддий тортиб қолганини уни аввалдан билганлар сезмаса, ўзи ҳамон жуда гўзал ва мағрур эди.

Иброҳим одатдагидай дўкон олдидаги офтобрўяга курси қўйиб, ўтган-кетганни кузатиб ўтирган эди. Шундайгина беш-олти қадам нарида этаклари узун, митти-митти қизил гуллар билан безатилган антиқа қора кўйлак кийганча хаёлга берилиб келаётган Гулҳуморни кўриб, ўрнидан туриб кетди...

Уни кўриб Гулҳуморнинг кўзларига ҳам табассум қалқди:

– Ассалому алайкум, қадрдон! – кулимсираб қўл узатди у.

– Ваалайкум ассалом, – Иброҳим унинг юмшоққина иссиқ қўлларини олди. Мактаб даврларидагидек “сен” дейишга тили бормади. – Келинг-е, сизни бутунлай йўқотиб қўйдик-ку. Синфдошлар йиғилишиб, бир-икки суратларингизни олиб, “Сени излайман!” кўрсатувига бермоқчи бўлиб турган эдик.



Гулхумор кулди:

- Сизларни овора бўлиб юришмасин деб, мана ўзим кела қолдим.

У ҳамон жуда чиройли эди, кулганда кўзлари хиёл қисилиб, узун-узун киприклари туташиб, икки чаккасидаги кулгичлари ҳам қўшилиб кулар, товланиб турган бўлиқ лаблари ёйилиб, садафдек оппоқ, текис тишлари бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборарди. Иброҳим унга беихтиёр тикилиб қолганидан хижолат тортиб, Гулхуморни дўконга таклиф қилди:

- Киринг, бир пиёла чой ичиб кетинг.

У бу таклифни шунчаки, йўлига айтган эди. Эҳтимол, ўзининг мактаб даврларидаги журъатсиз болакай эмас, хусусий дўконига эга, озми-кўпми жамғармаси бор эркак эканлигини билдириб қўйиш учун айтгандир. Гулхумор эса шу таклифни кутиб тургандек, ичкарига кирди:

- Дўконни кўчирдингларми?

- Йў-ўқ, тўғри келиб қолган эди, олиб қўя қолдик. У дўконни отам билан акам ишлатишяпти.

Гулхумор дўкон ўртасига келиб, чор-атрофга назар ташлади:

- Чиройли экан, кенг, ёруғ, саришта.

Иброҳим унга курси бериб, пештахтага икки лycopча қанд-қурс қўйди. Сочиқ бостириб қўйилган чойнақдан чой қуйиб узатди:

- Хўш, қани, яхши юрибсизми? Нима ишлар қиляяпсиз? Куёв почча қандай? Бутун синфни доғда қолдириб, турмушга чиқиб кетдингиз. Болалар ҳам кўпайишиб қолгандир?

Гулхуморнинг кўзлари бирдан маъюс тортди:



- Раҳмат, юрибман тупроқдан ташқари, дегандай. Ихтиёр ўзимда бўлганда ўша пайтда, ўша одамга сираям турмушга чиқмаган бўлардим...

Кутилмаганда улар анча дардлашдилар. Гулхумор дўконга кириб, бемалол чой ичиб ўтирган бўлса ҳам, унга дардини айтади деб, умуман шундай гўзал аёлни ҳам қандайдир ғам-андуҳ қийнаши мумкин, деб ўйламаган эди. У эса... Тўлиб турган эканми, тўкила қолди: эри гиёҳванд экан. Онаси билан қайнонасига қўшилиб, отаси ҳам уни ўша гиёҳванд билан яшайверишга мажбур қилибди. Охири марҳум онасининг синглиси араллашиб, уни гиёҳванд эрдан икки боласи билан ажратиб олибди. Отаси эса ўгай онага қўшилиб, ундан бутунлай воз кечибди, уйга киргизмабди. Ҳозир у холасининг уйида яшаётган экан...

- Майли, - унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. - уйга киргизмасалар ҳам, отам бир тийин ёрдам қилмаса ҳам, розиман. Лекин укам билан кўришишни тақиқлаб қўйишганига ҳеч чидай олмайман. Укам бечора мактабимга орқа йўллар билан яширинча келиб, икки оғиз гаплашиб кетади. Ҳеч дийдорига тўя олмайман. Унинг ўзи ҳам бундан жуда сиқилади.

Ўшандан сўнг Иброҳим бутунлай ҳаловатини йўқотди. Ёшлик йилларидаги ўтли туйғулар бутун жону жаҳонини яна ўз измига олган эди. Юрганда ҳам, турганда ҳам хўрланган, икки бола билан деярли кўчада қолган Гулхуморни ўйлайдиган бўлиб қолди. Фариштадек хотини кўзига алвастига ўхшаб кўринадиган бўлди. Ҳар ишда хотинининг ўрнига Гулхуморни қўйиб, солиштирадиган одат чиқарди.

Бир кун дўконга хизматдош ўртоғи келди. Бироз кайфи бор эди. Уни қучоқлаб, ароқнинг бадбўй ҳиди анқиб ётган оғизларини юзига босиб, чўлпиллатиб қайта-қайта ўпди: "Ошна, мени табрикла, мен ўғилли бўлдим!". "Табриклайман. Солия яхшими?", деди у. "Э-ээ, қандай Солия?! Буниси Маҳбубаники, ошна!", ишни дўндириб қўйгандек тиззаларига шаппатилаб, қийқириб кулди жўра. Кейинроқ яна бир келганда, муҳим бир сирни айтаётгандек, секин гурунг берди: "Ошна, хотинни иккита қилганман. Бирида учов, бирида икки фарзанд бор... Ҳозир қўшхотинлилик мода". Ўзи бироз бетайинроқ, ҳовлиқма йигит эди жўраси, бу гурунгни ҳам биров эшитиб қолмасин, дегандек, у ёқ-бу ёққа аланглаб айтган бўлса ҳам, Иброҳим Гулхуморнинг кечмишларини эшитгач, ана шу ҳовлиқма жўрасининг гапларини кўп эслайдиган бўлиб



қолди. Худога шукр, уйи, дўкони бор. Топаётган мол-дунёси билан, бир эмас, икки Гулхуморни гулдек яшнатиб қўйса ҳам бўлаверади. Фақат аввал хотинини қўшхотинликка рози қилиш керак, акс ҳолда, бу эси йўқ аёл Гулхуморнинг бошига келиб, жанжал кўтариши аниқ. Гулхуморнинг кўнглини ранжитиб қўйиши мумкин. У рози бўлгач, секин Гулхуморга айтади. Шаҳарнинг ўртасидан унга атаб данғиллама уй ҳам олиб беради. Ўзи эса ёшлиқда армонга айланган орзуларига етади, ҳаёти гўзал эртаққа айланади, Гулхумор ҳам бошидан ўтказган уқубатларни ёддан чиқаради...

Рутубатли қиш кунларидан бири эди. Кун бўйи қор бўлиб қорга, ёмғир бўлиб ёмғирга ўхшамайдиган алланима ёғиб турди. Намчил, совуқ ҳаво ҳаммани дилгир кайфиятда ичкарига ҳайдади. Ўша кун Иброҳим дўкондан эрта қайтди. У қатъий бир қарорга келган эди: “Айтади. Хотин, шундай-шундай гап. Кўнсанг шу, кўнмасанг, ўзинг биласан. Мен барибир унга уйланаман. Агар ақлли, сабрли хотин бўлсанг, бору-йўғим ҳар доимгидек сеники, у билан ҳам, сен билан ҳам яшайвераман, дейди”.

Хотини эрим ўчоқнинг ошини яхши кўради, деб, совуқ кунда ҳам ҳовлида ош қилган экан. Елиб-югуриб дастурхон ёзди, у уст-бошини алмаштиргунча, дийдираб ош сузиб келди. Эрига меҳри товланиб, ёлғиз гурунг қилгиси келдими, ошдан кейин болаларни дарс қилиш учун хоналарига чиқариб юборди. Ўзи эрининг рўпарасига ўтириб, чой сузиб берди: “Худойимга шукур-ей, бирга овқатланадиган кунимиз ҳам бор экан-а. Ҳар кун кеч келасиз. Болаларни қаранг, сизни ташлаб хонадан чиққилари келмайди. Соғиниб қолишган”.

Иброҳимнинг нимагадир кўнгли хижил тортди, анча вақт жим қолди. Аммо айтмаса, ёрилиб кетадигандек бўлаверди. Сўнг айтди: “Шундай, шундай...”

Хотин аввал унга тушунмаётгандек ҳайрон тикилди, сўнг “дод” деб тиззаларига муштлаб, нолий бошлади, кейин йиғлади ва ниҳоят ялиниб-ёлворишга тушди: “Жон, дадаси, ундай қилманг. Мен бундай шармандаликни кўтара олмайман. Илтимос, мени бундай хўрламанг. Болаларингиз ҳам улғайиб келяпти, буни кечирмайди, улар сизни жуда яхши кўришади, меҳрингизни биров билан бўлишишни истамайди” ва ҳоказо, ҳоказолар...

У эса индамай туриб, ётоққа ўтди: “Мени эрим десанг, мен билан яшайман десанг,



менинг қароримни ҳурмат қил”.

Хотин яна йиғлади: “Эр бермоқ – жон бермоқ, ахир. Ўз ихтиёрим билан қандай жон бераман?! Аввал мени ўлдилинг, кейин уйланаверинг”.

У эса қароридан қайтмади: “Мен айтадиган гапимни айтдим”.

Хотин “лов-лов” ёнди: “Ким экан у? Пулдор, боқади, деб кўзини сузаётгандир-да. Мендан нимаси зиёд экан?”

У жеркиб ташлади: “Ҳар нарса деб валақлайверма!”

Хизматдош жўрадан маслаҳат сўради: “Сен қандай кўндирган эдинг? Менинг хотиним кўнадиганга ўхшамаяпти”. Жўра қўл силтади: “Ғам ема, кўнади, кўнмай қаёққа боради? Илгари момоларимиз ўзлари бош бўлиб эрларини уйлантириб қўйишар экан”.

Бу ўзини қаттиқликка олди. Уйга янаям кечроқ борадиган бўлди. Жойини ҳам бўлак қилиб олди. Ростдан ҳам хотинининг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзлари, овқат чайнаши, луқма ютиши, ҳатто нафас олиши ҳам унга ёқмай қолган эди. Уни умуман кўргиси келмай қолди. Хотин эса ҳеч нарса кўрмагандек, шўрлик тергайвериб ўзимдан, уйдан совутмай дермиди, минг хил баҳона топиб, тинимсиз кўнғироқ қилар, ўртага болаларнинг илтимосларини қўшиб, уйга чорлар, келгач, елиб-югуриб дастурхон ёзар, хуллас, ҳар оқшом меҳрибон, саришта хотиннинг ролини қойил мақом қилиб уддаларди. Аммо ҳамма хона-хонасига кириб кетгач, шўрлик аёл эрининг ёнига кириб, ҳиссиз чўзилиб ётган эркакнинг муздек кўксига бош қўйиб, беадоғ кўз ёшлар тўкарди: “Айбим нима?”

Иброҳим уни секин нари суриб қўярди: “Мен эрингман. Қароримни ҳурмат қилишингни истайман. Ана шунда ҳаммаси жойига тушади”.

Хотин яна йиғларди: “Йўқ, мен сизни ҳеч ким билан бўлишишни истамайман”.

Тўғриси айтганда, ўртада болалар, шунча йиллик турмуши, ҳар қанча қаттиқлик қилмасин, кун сайин кулиб туриб сўлиб, озиб-тўзиб бораётган хотинига ичи ачирди. Унга ноҳақ зулм қилаётганини кўриб турар, шунинг баробарида унинг қайсарлигидан



қаҳри келарди.

Туманли оқшом хотини қўнғироқ қилди: “Эртароқ келинг, дадаси, негадир чироқ йўқ. Болалар дарс қила олмай ўтиришибди”, “Свет йўқ бўлса, Жаҳонни уста Шайдилга юбор. Мен савдо қиляпман”, “Жаҳонни аммаси олиб кетган эди. Ҳа, майли, устаникига ўзим ўтиб келарман”. Ярим соатлардан сўнг яна қўнғироқ бўлди: “Уста келиб, созлаб кетди. Лекин томда қисқа туташув бўляпти экан. Эрингиз келса, менга учрашсин. Симларни бир бошдан янгилаш керак, деб кетди”. “Бўпти!..”, жеркиб ташлади у.

Шу оқшом дўконга деярли ҳеч ким кирмади. Аммо у кўча бўйлаб сузиб юрган оппоқ туманга тикилганча, қўлларини қовуштириб ўтираверди. У хотини билан курашишдан толиққанини ҳис қилди. Ҳар оқшом минг хил баҳона топиб, ҳеч нарса кўрмагандай қўнғироқ қиладиган хотинига раҳми келаётганди. Аввалгидек оқшомлари болалари билан бир дастурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришларни соғинаётган эди.

“Бўлмайди, шекилли. Бечора қийналиб кетди. Шўрликка кўп азоб бердим. Ичи рашк билан ёниб, қону зардобга тўлиб кетган бўлса ҳам, эримни ўзимдан совутмай деб, кулиб туради. Уйга чақириб олиш учун минг хил баҳона излаб топади. Энди тўхтатиш керак. Болаларнинг кўзлари ҳам жовдираб қолган, аллақачон сезишган. Гулхуморга... уйланмасдан ҳам ёрдам бераверсам бўлади. Худо йўлига-да. Савоби ҳам кўпроқ бўлади. Балки, тақдирида бўлса, биров-ярим хотини ўлган, маъқулроқ инсон чиқса...”

Дарвоқе, ўша туманли оқшомда аллақадан хизматдош жўра келиб қолди. Бироз дўконда гаплашиб ўтиришди, телевизор кўришди, сўнг биргаликда қўшни ошхонага ўтишди. Икки сихдан қиймали кабоб, озроқ мусаллас буюртма қилишди. Кабоб тайёр бўлгунча, жўралар мусалласни эрмак учун майдалаб ўтиришди. Шу орада Иброҳимнинг чўнтагида турган телефон неча ўн марта жиринглади. “Ҳа, хотинингми?” топағонлик қилди жўра. “Шу-да, бошқа ким ҳам бўларди?” қўл силтади у. “Иккинчисими, деяпман-да”, “Иккинчиси борми-ей, жўра, сен бизнинг хотинни билмайсан. На ипга келади, на қопга. Шунча қаттиқлик қилиб ҳам уни енга олмадим. Икки ўртада ўзим қийналиб кетдим” “Э-э, жўра!.. Шу замонда биттасини эплаш ҳам осон эмас. Иккита бош оғриқни нима қиласан?”. “Ўргилдим сендан, кеча нима деяётгандинг менга?”. “Нима депман? Айтдим-қўйдим. Елкангда бошинг бор, билиб-билиб ишингни қилавергин-да, менинг айтганимни қилишинг умуман шарт эмас”.



Улар узоқ ўтиришди. Бир маҳал зим-зиё туннинг бағрини тилиб, вағиллаганча кетмакет иккита ўт ўчирувчи машина ўтиб кетди. Иброҳим машиналарга қараб, бош чайқади: “Бир бечоранинг уйи куйди, ошна”. Жўра қўл силтади: “Э-ээ, ўтса, ўтавермайдими, бизга нима, жавобини берадиган жойи бордир-да”. Унинг ичи тўлиб кетган экан. Кайфи ошгандан сўнг, йиғлайвериб бет-бошини жиққа ҳўл қилди: “Э-ээ, жўра! Куним қурсин менинг, кунгинам қурсин. Уйланаман десам, онагинам “икки эшаклининг оёғи тинмайди, икки хотинлининг қулоғи. Сенга икки хотин нимага керак?!” деб роса изиллаган эди, айтганини қилмагандим. Энди икки хотиннинг орасида сарсон-саргардонман. Бунисиникига борсам, “Боринг, суюклигингизникига боринг”, деб ҳайдайди. Унисиникига борсам, “Мол дунёнгиз қаерда бўлса, ўзингиз ҳам ўша ерда бўлинг. Боринг, кўз очиб кўрганингизникига”, дейди. “Пул, пул, пул!..”. Пул ишлаб чиқарадиган машина топсам ҳам, уларнинг ола қопи тўлмайди. Қара, хотининг юз марта қўнғироқ қилиб, сени излаб ётибди. Мени эса ҳеч ким изламайди”.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эса-да, хизматчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, ошхона гавжум. Шунча одам хотин, бола-чақани куттириб, ўзлари кўча-куйда пул сочиб юрибди. Иброҳимнинг юраги сиқилди, жўрасининг дийдиёси жонига тегди. Уни бир амаллаб, “той-той” қилиб, бир йўловчи таксига ўтирғизиб юборди-да, ўзи уйга йўл олди. Ярим тундан ошган, туман шу даража қалинлашган эди, машинанинг энг ўткир чироғида ҳам икки метр нарини кўриб бўлмасди. Машинанинг очиқ деразасидан димоққа аччиқ куйинди ҳид уриларди. Беихтиёр хотинининг оқшом пайти айтган гапини эслади: “Томда электр симлар чалкашиб қопти, “чирс-чирс” қилиб олов чиқариб ётган экан. Уста қўлдан келганча қилдим, симларни тўлиқ алмаштирмаса бўлмайди, эрингиз келса, менга бир учрашсин, деди. Дадаси, эртароқ келинг, биз кўрқяпмиз”. У бугун ҳақиқатан ҳам қарорини ўзгартирган эди, уйга эртароқ қайтмоқчи эди. Кўздан чиққан сўгалга ўхшаб, манави жўра келиб қолмаганда...

У машина газини охиригача босиб, туман бағрига сингиб кетди. Ҳаводаги куйинди ҳиди тобора нафасини бўғиб борарди. Дарвозалари олдида турган ўт ўчирувчи машиналарни дарров таниди. Улар бундан икки соатлар чамаси аввал ошхона ёнидан ўтиб кетган машиналар эди. Қий-чув қилиб ётган одамлар орасидан ўтиб, ичкарига интилди ва беихтиёр устига чойшаб ташлаб қўйилган уч замбилга кўзи тушди. У ўзини замбиллар устига отди!.. “Малика?! Сенга нима бўлди?!”, хотинининг сочлари, юзлари қорайиб куйиб ётар, кўзлари юмук, устига ёпилган чойшаб жиққа ҳўл бўлса ҳам, ундан



таралаётган иссиқ тафт юзга уриб турарди. У титраб-қақшаб кейинги замбиллар устидаги чойшабларни кўтариб қаради: “Мумтоз?! Сарвиноз?!” Унинг хону мони куйиб кул бўлган эди!.. У чўкка тушиб, юзини тупроққа босганча, ўкириб юборди: “А-а-аа! А-а-аа!..”

Кимдир келиб, титраб-қақшаб турган елкаларидан тутди: “Аллоҳнинг иродаси, ўғлим!..” У ёнбошига бурилиб, юз-кўзига, соқолларига қоп-қора қурум ўрнашиб қолган отасини кўрди: “Отажо-о-н!.. Ота-а-а!.. Энди мен нима қиламан?!” Ўзини отасининг бағрига ташлади. Ота унинг қўлтиғидан олиб, секин ўрnidан турғизди. Икки йигит суяб, ҳовлининг иккинчи томонида алоҳида қилиб қурилган меҳмонхона томон етаклаб кетди. У билан олдинма-кетин хотини ва қизларини ҳам шу хонага олиб киришди...

Атроф тўла одам, ҳамма қандайдир ташвиш билан у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа югуради. Аммо Иброҳимнинг назарида дунё буткул ҳувиллаб қолган, унда ёнма-ён қўйилган уч маййитдан бўлак ҳеч нарса мавжуд эмас эди. Қаердадир бўрилар увиллар, унга хотин-халажнинг йўқловлари, бот-бот эркакларнинг дўриллаган йиғиси қўшилиб кетарди. Кимдир келиб, елкасига тўн солди, бошига дўппи кийгизиб, майишиб бораётган белларини маҳкам боғлаб қўйди. Уни ҳовлига олиб чиқишди. Эшик олдида турган одамлар ортга тисарилиб, йўл бўшатдилар. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалган эди. Ғивир-шивир гаплар. “Шўрликка қийин бўлди, тентак бўп қолади энди”. “Бечорагиналар!..” “Аллоҳ сабри жамил ато этсин”. “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун”.

Кейин қабристонга боришди. Ёнма ён қазилган уч қабр қурбонини олишга шайланган аждарҳодек оғзини “ланг” очиб ётарди. Тобутларнинг устидаги зарбоф ёпинчиқлар олиниб, оппоқ кафанга ўралган маййитлар бирин-кетин ерга қўйилди...

Энди унга ҳеч қачон, ҳеч ким “Дадажониси, келаяпсизми? Бугун манти қилгандим...” деб қўнғироқ қилмайди. Қизлари “беш” баҳолари-ю юлдузчалардан қизариб кетган кундаликларини бағрига босиб, уни кутиб олмайди. Улар ҳали гўдак эдилар, тасаввурлари ҳам гўдакларга хос беғубор, содда эди. Уйга бориши билан биринчи бўлиб “Сизга ажойиб хушхабарим (ёки совғам) бор. Топинг-чи, у нима?”, дер эди Мумтозгинаси. “Ўзинг айта қол, қизим, суюнчиси мендан”. У “Там-тара-там” дея, оғзи билан мусиқа чалиб, орқасида беркитиб турган кундалигини унинг тиззаларига



қўярди: “Бугун мен ўн олтита “беш” олдим”. Кейин бу сахна Сарвиноз томонидан такрорланарди: “Мен нечта “беш” олганимни топинг-чи!”. Улар ўзларининг баҳоларини оила учун, айниқса, оталари учун жуда катта совға деб ҳисоблашарди... Энди ундан ҳеч ким суюнчи сўрамайди... Ҳамма-ҳаммасини аждаҳодек оғзини очиб ётган ер ютди-қўйди. “Ҳе-е, ер ютгур!” деган қарғишнинг маъноси шу экан-да. Қанчалар қабиҳ экан бу қарғиш... Қанчалар ожиз ва нотавон экан бу одамзод, кечагина учаловини қўшиб бағрига босиб, ҳузурланса бўларди. У эса булардан қочди, қочиб юрди. Ўзининг нафси учун... Алал оқибат энди улар уч лаҳадда, уч тепачанинг тагида ётибди, уччаласини ҳеч қачон бир қилиб бўлмайди. Энди унга ҳеч ким булар айтадиган хушхабарларни айтиб, суюнчи сўрамайди, суюнтирмайди...

Қизлари қоронғуликдан жуда қўрқишарди. Ҳозир қандай қилиб ёлғиз ўзлари... У сесканиб кетди. Дунё зимистонга айланди...

Эртаси куни туман тарқаб, қуёш чарақлаб чиқиб кетган эди. Лекин ёнғиндан усти буткул очилиб қолган уйнинг чала ёнган болорларидан, ҳатто деворларидан тарқалаётган тутун бир неча кун ён-атрофда тумандек қалқиб юрди. Ҳовлининг бир четида меҳмонлар учун алоҳида қилиб солинган хонада таъзия қабул қилиб ўтирган Иброҳимнинг ёнига уста Шайдулла қайта-қайта келиб, ўзини оқлаб, узр сўраб кетди: “Келин... кечки пайт уйимизда чироқ йўқ, деб борган экан. Келиб, у ёқ-бу ёқни қарадим, тепада симлар чалкашиб, уч-тўрт жойидан “чирс-чирс” ўт чиқиб турган экан. Ҳаммасини қайта улаб чиқдим. Эрта ёруғда Иброҳимбой билан маслаҳатлашиб, симларни янгилаймиз-да, дедим. Келинга, эрингиз бир учрашсин, деб қайтдим. Ярим тунда ҳовлига чиқсам, негадир ҳовлимизнинг бир томони кун чиққандек ёришиб тургандай бўлди. Сўнг одамларнинг бақириқ-чақириқларини, ўт ўчирувчи машинанинг чинқириғини эшитдим. Юрагим “шув” этиб кетди... Бечоралар, ухлаб қолишган бўлса керак, устларига том қулаб тушгандан сўнг йўл топа олмай қолганми? Билмадим яна. Лекин ишонинг, мен ҳамма қисқа туташувларни бартараф қилган эдим...”

Иброҳим унга сўзсиз термилиб, сим-сим кўз ёш тўкар, “Сиз ўзингизни бекорга қийнаяпсиз. Ҳамма айб менда, мен айбдорман. Уларни мен ўлдирдим, менинг бемаъни, бемаврид орзу-ҳавасим, қайсарлигим ўлдирди. Нафсимни уларнинг меҳридан, қувончларидан устун қўйдим. Мен уларга хиёнат қилдим. Бу хиёнат ҳали хаёл, ният бўлган бўлса-да, кўнгилда бор эди, уни рўёбга чиқариш учун гулдек аёлимнинг



ҳаётини заҳар-заққумга айлантирдим. Уч ой қон йиғлади шўрлик. Бу ёнғин балки худойимнинг ана шу хиёнат учун менга йўллаган жазосидир. Сизда ҳеч бир гуноҳ йўқ”, дегиси келар, лекин тили танглайига ёпишиб қолгандек бир сўз айта олмай яна кўз ёшларига эрк берарди.

* * *

Худди шу дақиқаларда дунёнинг бошқа бир бурчагида пишқириб оқаётган улкан дарё тўлқинлари узра икки тилсиз мавжудот – эндигина балоғат ёшига етган баҳайбат Чапдаст билан оппоқ бадани сув қаърида товланиб турган сарвиқомат Қоракўз бир-бири билан қувлашиб ўйнар, айна пайтда атрофларида ғужфон ўйнаб ётган балиқчалар ҳам уларнинг кўзларига кўринмас, улар бахтдан, муҳаббатдан сармаст эдилар. Бир қарашда бир-бирига урилган тўлқинлардан кўпиклангандек оқариб оқаётган дарё туби тинч ва сокиндек кўринар, лекин кучли оқим ўз ишини қилди, муҳаббат шавқи билан маст жуфтликни ўзлари дунёга келган шўртанг баҳри уммондан жуда олисларга олиб кетди.

Сувнинг чучуклигини биринчи бўлиб Қоракўз билди. У икки ёндаги катта-катта қора кўзлари билан Чапдастга ҳайрон қаради. Чапдастга эса барибир, гўштдор учли тумшуғи билан Қоракўзнинг гоҳ у биқинига, гоҳ бу биқинига туртиб, гоҳ унинг атрофида умбалоқ ошиб ўйноқларди. Қоракўз бир сапчиб, сувнинг юзига чиқди. Унга Чапдаст эргашди. Улар улкан кўлнинг ўртасида сувдан бош чиқариб, атрофга бир қур назар ташладилар. Қирғоқдан сал нарида саф тортган оқ қутилар, уларнинг атрофида ғимир-симир қилиб тик юрган ғалати мавжудотларни кўришди. Улар ҳали уй, одамлар, уларнинг меҳри ва қаҳри, қизиқиш ва эрмаклари ҳақида, вақти келиб, сувсиз жойда тик юрвчи бу мавжудотлар бахтиёр жуфтликнинг ҳаётига хавф солишлари мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Бир кун келиб бу баҳри уммон улар туфайли Аждаркўл дея ном олишини ҳам билмасдилар.

Шу атрофда бамайлихотир қайиқда балиқ овлаб юрган икки йигит уларни кўриб, шайтонлаб қолгандек нималардир деб қичқирганча қайиғини ўт олдириб, қирғоққа қараб кетиб қолдилар. Чапдаст билан Қоракўз уларнинг ортидан қолаётган



кўпикланган сувга бир нафас қараб туришди-да, яна уммон қаърига шўнғиб кетдилар.

Ойдинкўл эрта баҳорда бор-йўғи бир неча кун яшайдиган қизғалдоқларни ҳисобга олмаганда, саксовул-у шувоқдан бошқа ҳеч нарса унмайдиган чўлу биёбоннинг ўртасида бир билгир одамнинг ноёб ақли билан бу ерларда ҳам пахта етиштириш учун Амударёнинг суви ҳисобига дунёга келган сунъий кўл. Тўнтарилган мовий осмондек ажиб бир манзара касб этган кўл одамда ранги заъфарон беморнинг оғриқли табассумига ўхшаш бир таассурот қолдирарди. Бу қирғоғидан нариги қирғоққа қарасангиз, кўз илғамайдиган баҳри уммон қалқиб турар, кўл этагида бир-бирига ўхшатиб қурилаётган уйлар, кўчалар, қирғоқ ва кўчаларни тўлдириб юрган одамлар. Лекин чор-атроф вабо тарқалгандек заъфарон тусда ястаниб ётар, бирон яшиллик кўзга ташланмас эди. Бир йилга етар-етмас, гугурт қутиларига ўхшаш коттежлардан иборат шаҳарча қад ростлади. Шаҳарчада бир нечта катта-кичик саноат корхоналари, ташкилотлар қурилди. Уйлар, кўчалар, идоралар одамга тўлди. Лекин барибир бу ерлар қандайдир файзсиз эди, кечки пайт каттаси ҳам, кичиги ҳам, эркаги ҳам, аёли ҳам йиғилиб, ҳар бир дарвоза олдига қўйилган узун-узун ёғоч ўриндиқларда ўтиришар ёки кўл бўйига, бўлмаса, қаҳвахоналарда йиғилишар, ярим тунгача “ва-ҳаҳ-ҳа” кулгу, гурунглар бўлар, нимагадир бу одамларнинг юзларига чанг сингиб кетгандек нурсиз эди. Кулиб турган қиёфаларида ҳорғин бир сийрат қалқиб турар, кунда кунора кўлга тушиб чиқишса ҳам, ранги рўйи ҳеч сув кўрмагандек бўғриқиб турарди. Улар ишга боришар, уйга қайтишар, кўнгилхушликлар қилишар, аммо на кўчаларига, на эшикларининг олдига бир туп ниҳол экмас эдилар. Бой идоралар, бадавлат одамлар кўл айланаси бўйлаб ўзларига дам олиш уйлари – дачалар қуриб олишди. Қирғоққа туташ бу дачаларга хўжайинлар кўпинча кўздан пана маишат учун... келишарди. Кўнгиллари соя-салқинни тусагани учунми ё эл кўзидан паналаш учунми, қирғоқ бўйлаб турли дов-дарахтлар экишди. Бора-бора кўлнинг атрофи қуюқ дарахтзорга айланди. Аммо бу дарахтзорлардаги яшиллик кўнгилга қандайдир ҳадик солар, уларга қараб ўтириб, беихтиёр нотоза бир нарсани кўзи тушиб қоладигандек, хавотирга тушиб кетади одам.

Ўша йили Қорақўз билан Чапдаст еттита бир-биридан чиройли фарзанд кўришди. Миттигина балиқчалар шундай чиройли, уларнинг атрофида сузиш шунчалар завқли эдики, табиатан тиниб-тинчимас Чапдаст уларнинг атрофида гирдикапалак бўлиб чарчамас эди. Балиқчалар жуда тез катта бўлишди ва барча акулаларга хос ёлғиз



яшаш истаги туфайли битта, иккитадан бўлиб, кўлнинг турли томонларига кетиб қолишди.

* * *

Иброҳим “етти”дан сўнг, бульдозер олиб келиб, ёнган уйни текислатиб ташлади. Аммо бу ҳовлидаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тош унга хотини ва қизларини эслатар, ҳар бурчакдан уларнинг овозини эшитар, шундай дамлар нафақат бу машъум ҳовлидан, балки бу ёруғ дунёдан бош олиб кетиб қолгиси келар, аммо ўтирса-турса ёнидан ажралмайдиган бўлиб қолган ўғли Жаҳонгирни ёлғиз қолдириб кетишга виждони йўл қўймас эди.

Ниҳоят “қирқ”ни ҳам ўтказди. Кечки пайт кўшни кўчада яшайдиган отасига кўнғироқ қилди: “Акам билан бир келиб кетсангиз. Холи гаплашадиган маслаҳатли гап бор эди”. Нимадандир хавотирланганми, улар бирпасда етиб келишди. Чол келини билан набираларини жуда яхши кўрарди. Бир умр дўконда ўтириб, фақат сархил таом еб юргани учунми, ёшига нисбатан жуда бардам кўринадиган ота ёнғиндан кейин бирдан чўкиб, гўдакдек мунғайиб қолди. Маъракалар ўтгунча, Иброҳимнинг ёнидан кетмади. Худди ўзини бир нарса қилиб қўядигандек, сал кўринмаса, излаб қолар, топгач, бир сўз айтиб, ҳол сўрай олмаса ҳам, ўғирлаб-ўғирлаб ўғлининг кўзларига термулаверарди.

- Агар, рози бўлсангиз, ҳовли билан дўконни сотиб, кўчиб кетмоқчи эдим, - Иброҳим ердан кўзини олмай, отасига ниятини айтди.

- Қаерга? - ота “ялт” этиб унинг юзига қаради.

- Аждаркўл томонларга. Ўша кўлга ошналар билан уч-тўрт марта овга борган эдим. Кўл бўйида бир шаҳарча бор. Ҳар жойдан келиб қолган ҳар турли одамлар яшайди. Биров билан бировнинг иши йўқ. Уч-тўрт корхонаси бор. Кўлдан, шу корхоналардан тирикчилик қилишади.

- Етти ёт бегона жойларда... - кўзлари жовдиради отанинг.



- Шуниси яхши-да, ота. Мени хотиралар, одамларнинг кўзларидаги саволлар жуда қийнаб юборди. Менга ҳеч ким ачиниш билан қарашини истамайман. Ортиқ бундай яшай олмайман, жуда чарчадим. Бу уй, бу жойларни умуман кўрмасам, дейман. Мени ҳеч ким танимаса, ҳеч ким ҳеч нарсани эслатмаса, дейман.

- Жаҳонгир-чи, уни нима қиласан?

- Ўзим билан олиб кетаман. Ўзимизга яраша бир уй сотиб оламан. Бола учун нима шароит зарур бўлса, ҳаммасини қилиб бераман. Бир дўкон оламан, бошқа иш қўлимдан келмайди, ахир. Ота-бола рўзғорни бир амаллармиз.

Улар анча вақт жим қолишди. Хонада пашша учса эшитиларди. Ўғли секин у томон сурилиб, пинжигга тиқилди. У оғир хўрсиниб, ўғлининг елкасидан олди.

Отаси соқолини тутамлаб, бош чайқади:

- Кекса энангга нима деймиз, болам? Сен у ёқларда, биз бу ёқларда... Энангнинг қолган умри Аждаркўлнинг йўлида ўтадимми энди?

Иброҳим ерга қаради:

- Ота, энамнинг олдида сўз очиш қийин бўлгани учун беодоблик бўлсаям сизни уйимга чақиртирдим, энди, энамга ўзингиз тушунтирасиз, бошқа илож йўқ.

- Э-э, болам, ёнингда иссиқ-совуғингга қарайдиган бир пошикастанг бўлса, Бадахшонга кетсанг ҳам, бир нарса демасдим. Ўзинг етти букилиб ўтирибсан, ёнингда бир парча гўдак, бунинг ҳам ичи тутаб ётибди, қандай юборай ахир?!

- Менинг бошқа иложим йўқ, ота. - кесиб гапирди у.

- У жойларни мен ҳам яхши биламан. Одамларининг пиёнисталиқдан бошқа эрмаги йўқ. Бўнак олса, ичишади, ойлик олса, яна ичишади. Балиққа бориб, ичишади, балиқ тутиб, сотади-да, пулига яна ичкилик олишади. Бутун суяк-суякларигача ичкилик сингиб кетган уларнинг. От билан эшакнинг охури бир бўлса, ўзи ўхшамаса ҳам, қилиғи ўхшаб қолади. Болангнинг шундай одамлар ичида ўсишини истайсанми?



- Улар билан бизнинг охуримиз битта бўлмайди, ота. Шу боланинг тарбиясидан бошқа ишим борми менинг? Сиз бежавотир бўлинг.

- Э-э, - қўл силтади ота. - Отанг сенга номаъқул гапни айтмайди. Бир жойда бўлсак... Майли, бу ҳовлини сотамиз, шаҳарнинг бошқа бир бурчагидан уй оламиз. Бу кўчага умуман кирма. Бу ҳовлини умуман кўрма. Лекин оёғимиз етадиган жойда яша. Боланг ҳам, ўзинг ҳам кўз олдимизда бўласан. Қариган чоғимизда кўзимиз йўлингда бўлиб қолмасин, дейман-да, ўғлим.

Иброҳим яна хўрсиниб, қатъий бош чайқади:

- Иложим йўқ, ота, ҳозир сира иложим йўқ. Эҳтимол, вақти-соати етиб, қайтиб келармиз. Илтимос, ҳозир менга индаманг, жон ота. Мен шаҳарчага бориб, уй, дўкон савдолашиб келай, менга озроқ пул қилиб беринглар, бу ердаги уй билан дўкон сотилгач, пулларингизни қайтиб оласизлар.

Унинг уй билан дўкон сотилгунча кутиб туришга тоқати йўқ эди. Иброҳим иккинчи ўғил бўлса ҳам отаси ҳамма масалада унга суянар, уни бошқача меҳр билан яхши кўрарди. Гўдаклигида қулоғига азон айтгани келган мулла Холмурод “Ука, шу жигитга Иброҳим деб исм қўяйлик. Иброҳим пайғамбаримиздек ҳалим, солиҳ, меҳрибон банда бўлсин”, деб исмини Иброҳим деб қўйиб кетганди. Мулла ижобат соатларида дуо қилган эканми, у ҳақиқатан ҳам жуда ҳалим, меҳрибон, солиҳ фарзанд бўлиб улғайди, ота-онасининг бирон гапини қайтармади, юзига тик қарамади. Бугун ўғилнинг бошига иш тушиб турган бир пайтда ота уни бутунлай рад этишга ҳадди сиғмади. Иложсиз бош ирғади: “Хўп, ўғлим”. Иброҳим кекса отасини яхши тушунади, аммо айна дамда унинг қандай виждон азобида қоврилаётганини ота қаердан ҳам билсин? Ака эса ота-боланинг мунозарасига умуман гап қўшмади: бири боласини кўзи қиймай куйиб турган отаси бўлса, бири юрак-бағри куйиб-чатнаб ётган укаси бўлса, шуларнинг ичидаги ўт уни ҳам куйдириб ётган бўлса, ака нима ҳам дейди? Бир сўз демай ерга қараб ўтираверди ва отаси кўзғолгач, у ҳам индамай ортидан йўлга тушди. Уларни кузатгани чиққан Иброҳим елкасини қисиб кетиб бораётган отасига қараб, эзилиб кетди: “Ота, албатта ёнингизга қайтаман, аммо қачон қайтишимни ҳали билмайман. Бунинг учун етарлича куч тўплашим ва буни хоҳлашим керак бўлади”.



Иброҳим ўғлини олиб, Аждаркўлга борди. Молга бирга қатнайдиған дўкондор жўрасига тайинлаб қўйган эди. Жўрасига учрашишдан аввал, ўғли билан кўлга томон энди. Шовқин-сурондан холи хилват қирғоқни топиб, катта саксовулнинг тагига бориб ўтиришди. Саксовулнинг шохдор танасига суяниб, ўғлининг елкасидан қучганча оёқларини узатиб юборди. Кўм-кўк баҳри уммонга тикилиб ўтириб, саксовул шохлари орасида тушаётган қуёш нурлари элитдими, беихтиёр кўзлари юмила бошлади. Кўлга тикилиб ўтирган ўғлининг елкаларини қаттиқроқ қучди. Кўнглининг туб-тубида, бутун вужудида яқин ойлар ичида бирон марта ҳам ҳис қилмаган ёқимли бир сокинликни ҳис қилди. У ана шу бебаҳо ҳаловатни йўқотиб қўймаслик учун кўзини очиб, атрофга қарашга-да, қўрқарди. Аллақадан сувнинг шалоплаши, одамларнинг овози, қийқириқлари эшитилиб турарди, демак, аллақачон бошлаб юборишибди...

Кўп ўтмай телефони жиринглаб қолди: “Иброҳим, келяпсанми? Бир-икки оғайнилар билан сени кутиб тургандик”. У истар-истамай ўрнидан қўзғолди: “Мен шу ерданман, ошна. Ҳозир ёнингга ўтаман”.

Уни шаҳарча четига бошлаб боришди. Уй сотмоқчи бўлган киши – ёши элликлардан ўтган, миқти гавдали, тепакал одам анча димоғдор, нимагадир шошиб тургандек эди. У чўнтагидан бир шода калит чиқариб, дарвозани, уйларни бирма-бир очиб кўрсатди. Уй яқиндагина енгилгина таъмирдан чиқарилган, оддийгина бўлса-да, йиғиштирилган, тоза-озода эди: “Яқиндагина таъмирлатдим. Дидингизга маъқул тушмаса, яна ўзингиз таъмирлатиб оларсиз”. Дарвозахонанинг ёнида эшик-деразаси кўчага қараган яна бир хонани очди: “Бу дўкон. Истасангиз ўзингиз юритасиз, истасангиз биронтага ижарага беришингиз мумкин. Фақат битта нарсани олдиндан айтиб қўяй, бу жойлар шаҳарча марказидаги бозордан анча узоқ, одамлар ҳар бир нарса учун катта бозорга бориб юришмайди. Дўкон керакли молга тўлдириб қўйилса, бозордагидан кўра яхшироқ савдо бўлади”. Шаҳар чети, сокинлик, ҳовлининг ўзидаги дўкон – бу Иброҳимга жуда маъқул тушди. Нарх ҳам у чамалагандан анча арзон эди: “Бир иш бошлаган эдим, шунга бироз харажатли бўлиб турибман. Бўлмаса, бу уйни сотиш ниятим йўқ эди. Биронтани ижарага қўйиб қўйсам ҳам, тураверарди пул топиб...” Иброҳим индамай қўл узатди: “Келишдик, ака. Нархни сиз айтдингиз, мен рози бўлдим”. Кап-катта одамнинг майдалашиб минғирлаши унга ёқмади. Пулини бериб, кўчиб келгач, бошдан-оёқ қайта таъмирлатишни кўнглига тугди: “Шу минғирни эслатадиган ҳеч нарса қолмасин”.



Тепакал киши кетгач, жўраси уларни қўярда қўймай шу ўртадаги емакхонага олиб кирди: “Бир пиёла чой ичиб кет, ошна. Сен бунинг гапига аҳамият берма. Уйи бир йилдан бери бўш турибди. Харидор йўқ. Ёшгина бир жувонни иккинчи хотин қилиб олиб, шу ерга келтириб қўйган эди. Унинг 10-12 ёшлардаги ўғли ҳам бор эди. Аёлгина боласини ўқишга қўйди, ўзи дўконни юритарди. Уйланганини хотини эшитиб қолиб, роса тўполон қилган. Бу номард бўлса, хотиним кўзимни очирмаяпти, мени кечир, дейишнинг ўрнига “Ўйнашинг бор экан, менга хиёнат қиляпсан, одамлар айтишди” деб, уни ҳайдаб юборди. Шўрлик, ота-онамнинг уйдан эрга тегдим, деб чиқиб кетган эдим, энди қандай қайтаман, ҳеч бўлмаса, шу ерда ижарада туришимга рухсат беринг, деб қанча ёлворди. Бу қўймади. Хотинидан кўрқди. Биз томонда уй олиш мумкин, сотиш жуда қийин. Бу ернинг одамлари пул йиғишни ёмон кўришади. Бугун топса, бугун ейишади, эрта билан ишлари йўқ”. “Нима иш қилади бу одам?” “Кичкинароқ автобазамиз бор, шунинг директори”. “Ҳа-а...”

Иброҳим иккиланиб қолди. Қулоқларига ўша қувғин қилинган аёлнинг овози эшитилиб кетгандек бўлди. “Қўл олишмаганимда бу уйни текинга ҳам олмас эдим. Аммо лафз қилиб қўйганман. Бечора аёл!.. Бечора аёллар! Улар баъзан гўзал бўлиб яратилганликлари учун хўрланадилар. Баъзан ота-онам, бола-чақам, ор-номусим деб андиша қилганликлари учун ғурурлари топталади. Аёлнинг ўз ҳаловатини ор-номусдан олдинга қўйишга ҳаққи йўқ. Агар шундай қилса, энг аввал ўша аёл ўзини ўзи ҳеч қачон кечирмайди. Бечора хотини!.. Эр устига хотин олмоқчи эканлигини очиқ айтди, лекин у шўр кўнглингизга бошқа аёлнинг хаёлини киритиб, менга хиёнат қилдингиз-ку, демади. Аксинча, аввалгидан ҳам кўпроқ меҳр кўрсатди. Ичи ёниб кетаётган бўлса ҳам кулиб, ширин сўзлар билан уйга чорлади, елиб-югуриб тансиқ таомлар тайёрлади. Унинг беандиша хиёнатига “ташландиқ” деган номдан номус қилгани учун чидади. Болаларини ота меҳридан жудо қилгиси келмади. Тўғри, ёлғиз қолишганда кўп йиғлар эди, лекин бу йиғи исён эмас эди, бу йиғи илтижо эди. Раҳматли оилани муқаддас билган. Орадан ўтган шунча кўнгилсизликлар, изтироблар ҳақида на онасига, на бирон дугонасига, на опа-сингилларига тиш ёриб, бирон гап айтмаган. Агар у биров-яримга бир оғиз кўнгил ёрганида ҳозир Иброҳим элнинг олдида бош кўтариб юра олмасди. Худди ҳаммасини аввалдан билгандек, ҳеч кимга лом-мим демаган.



* * *

Баҳор келиб, Аждаркўл атрофлари яшнаб кетди. Чағалайлар, ёввойи ғоз-ўрдаклар, балиқчи қушлар кўл юзида одамлардан ҳайиқмасдан учиб-қўниб, сузиб юриши уларнинг жуда олислардан, одамсиз жойлардан келиб қолганини англадиб турарди. Албатта, бу ҳол узоқ давом этмади. Икки-уч кунда қирғоқ текин гўшт иштиёқмандларига тўлиб кетди. Ҳар тўрт қадамда ов ман қилинганлиги, қонун бузувчиларга солинадиган катта жарималар ҳақида ёзиб қўйилган бўлса-да, тунлари тез-тез ов милтигининг пақиллаган товуши эшитилиб қолар, одамлар кундузлари сайр қилиб юрибмиз, деган баҳонада қайиқ билан соҳилдан олислаб кетар, бир жойларга етгач, милтиқ отишдан қўрқиб, бечора қушларни ёввойи одамлардек ваҳшийларча тош билан, таёқ билан уриб, ўлдириб, халталари тўлгач, уларни ҳеч ким кўрмайдиган хилват қирғоқларга олиб бориб, бирон дарахт илдизига боғлаб қўйиб, ўзлари ҳеч нарса кўрмагандек одамлар уймалашиб ётган соҳилга қуруқ кўл билан қайтиб келишарди. Сўнг секин одамлар орасидан ўтиб, вамперларга ўхшаб лаб-лўнжини ялаганча оёқларини кўлларига олиб, ўлжа яширилган қирғоқ томон югуришарди. Ушбу ҳолатларини кўрган рисоладагидек одам, улардан нафратланишдан аввал жирканиб, уларга ачиниб кетарди.

Кўлга ўша баҳорда қаердандир иккита катта оққуш ҳам келиб қолган эди. Кўм-кўк кўл узра уларнинг сузиб юришларини томоша қилишнинг ўзи кишига олам-олам ҳузур бағишларди. Уларнинг чўмилишларини ҳатто баъзан Чапдаст билан Қоракўз ҳам завқ билан томоша қилишарди. Шом қуйилиб келаётган вақт эди. Оққушлар секин-аста сузиб, кўл ўртасидаги оролча томон боришар эди. Қаердандир қайиқ пайдо бўлиб қолди. Унда уч йигит бор эди. Йигитларнинг бири қайиқдан узун хода чиқариб, ёнгиналарида сузиб кетаётган оққушнинг елкасига бир туширди. Оққушнинг узун бўйни синиб кетгандек бир ёнга қайрилиб қолди, ўзи мувозанатини йўқотдим, ёки жони қаттиқ оғридими, сув юзида типирчилай бошлади. “Ур, нега анқайиб турибсан, яна бир марта ур!” қичқирди йигитлардан бири. Типирчилаб ётган оққушнинг елкасига яна бир зарб келиб тушди. Қарсиллаган овоздан кўл юзи титраб кетгандек бўлди. Сув бир чайқалиб, оққушнинг типирчилаб ётган лоши оролча четидаги қамишлар орасига кириб кетди. Йигитлар қайиқни сал берироққа тўхтатдилар, қайиқ четида ўтирган йигит кўлидаги фонусни оққуш томонга тутди ва “Илғор, сен бориб оққушни олиб кел”, деб буюрди. Сув совуқ, теварак-атрофга қоронғу тушиб қолган, бу пайтда ҳеч ким



сுவга тушишни истамас эди. Илғор баҳона қилди: “Ўзинг бор, негадир оёғимнинг томири тортяпти”. Буйруқ берувчи болахонадор қилиб сўкинди: “Ҳе-е!.. Улуш бўлинаётганда ҳам оёғимнинг томири тортишганди, менга камроқ бер, десанг экан”. У фонусни пешонасига тақиб, ўзини сувга ташлади. Оққуш ётган қамишлар томон ҳовлиқиб сузиб бораркан, савқи табиий бир сезги билан ўзига қадалган қандайдир ўткир нигоҳларни ҳис қилди. Секин бурилиб ёнбошига қаради, ундан бор-йўғи уч қулоч нарида икки баҳайбат акула – Чапдаст ва Қоракўз унга тикилиб туришарди. У турган жойида қотиб қолди. Айни пайтда қайиқ ҳам, оролча ҳам қаршисида турган акулалардан узоқроқ эди. Эҳтимол, ўша лаҳзаларда бегуноҳ оққушга нисбатан қилган қабихлиги учун пушаймон чеккандир, балки қамиш поялари ичига тикилиб қолган оққуш кўзига жуда ёмон кўриниб кетгандир, балки бутун фикру-зикри билан жонини асраб қолиш йўлларини излагандир, ҳар тугул дақиқа сайин унинг омон қолиш умиди сўниб борарди. Орадан беш-олти дақиқа чамаси вақт ўтди, акулалар ҳужум бошлаб юборишидан қўрқиб, шерикларини ҳам чақира олмади. Бир маҳал ҳеч кутилмаганда акулалар ортига бурилиб, кўл тагига шўнғиб кетишди.

– Илғор, Илғо-о-ор! – хириллаб зўрға овоз берди у. – Бери келинглар.

Шериклари эса аллақачон акулаларни кўришган, улар ҳам “қилт” этиб қимирлашдан чўчиб, нафасларини ичга ютиб, қараб туришарди.

– Бери келинглар, – яна шивирлабгина чақирди у. – Ке-е-етди.

Йигитлар шундан кейингина қайиқнинг моторини ўт олдириб, тўғри у томонга йўл солишди. Ёнига етишганда, бир сония тезликни пасайтириб, уни илиб олиб, қайиққа солишди-ю, соҳилга қараб учиб кетишди.

Шундан сўнг йигитлар бир неча кун ётиб қолишган бўлса-да, оққуш ови шаҳарчада анча пайт хангома бўлиб юрди: “Шундай қараса, иккита акула унга тикилиб турган эмиш. Қимирлаёлмай қолибди...” “Йигитни қайиққа олишса, кўл-оёғи қалтираб, тишлари тақиллаб ётган эмиш”, “Ўзлариям ундан бешбаттар аҳволда бўлишгандир. Акула чин қасдлашса, қайиқ-пайиғи билан ютиб юбориши мумкин эди”. “Акулалар ҳам бунда-а-ай чамалаб кўрган, қилтираган рамақижон бачча, еса, чап ичагига ҳам юқ бўлмайди. Э-э, бор-е, шу суяк-саёқ учун жағимни оғритиб ётаманми, деган-да”. “Гап



ундамас, акулалар одам гўштини унча хушламас экан, шунинг учун индамаган”. “Нима бўлганда ҳам акулалар одамдан яхши экан, ҳар нарсани еявермас экан. Сенлардан сувдаги балиқ қолмаса, ерда юрган мол-ҳол қолмаса, осмондаги қуш қолмаса! Оққушни ҳам овлайдими одам, шундай чиройли, беозор жонивор. Ўзи иккитагина бўлса! Ноинсофлар! Қўй турганда итни тандиркабоб қилиб егандан кейин нима ҳам дейиш мумкин?” “Қўйни ким беради бу ишёқмасларга? Қўй олмоқчи бўлса, пул керак. Боқмоқчи бўлса, меҳнат қилиш керак. Ит бўлса, текин, кўча тў-ў-ўла. Истаганингча, тутиб олавер”.

Аслида акулалар балиқларнинг аждарҳоси ҳисобланса-да, унга тегинмаган мавжудотга ҳужум қилавермайди. Уларда ҳид билиш ҳиссиёти жуда яхши ривожланган бўлади. Ов қилмоқчи бўлган ўлжасини ҳидига қараб танлайди. Ўша куни пешонасига ялтираган чироқ ўрнатиб олган мавжудотдан келаётган бадбўй ароқ хиди уларга сира ёқмади, улардан сал нарида турган қайиқдан ҳам ўша ёқимсиз ҳид анқиб турган эди. Шунинг учун улар индамай кўл тубига шўнғиб кетишди.

* * *

Иброҳим ўғли билан енгил-елпи жиҳозларини олиб, янги уйнинг бир хонасига жойлашди-да, таъмирни бошлаб юборди. Ўзига-ку, ҳеч қандай ҳашамат шарт эмас, аммо онаси билан опачаларига ичкиб кундан кунга сўлиб бораётган ўғлининг ҳаётига мана шу ҳашаматлар бир қатим бўлса ҳам нур олиб кириши учун бор-йўғини сарфлаб, қаср қуришга ҳам рози эди. Биринчи бўлиб ўғлининг хонасини таъмирлатди, деворларини ўғли яхши кўрган эртақ қаҳрамонларининг суратлари билан безатди. Мебель дўконига кириб, ўғли танлаган диван, шкаф, китоб жавони, стол-стуллар харид қилди. Таъмирлаш ишлари тугагач, компьютер ҳам олиб беришини ваъда қилди.

– Ҳозир ҳам олишимиз мумкин, лекин ҳамма ёқ чанг-чунг бўлиб ётибди, ўғлим, компьютерингга чанг сингиб кетмасин, деяпман-да.

– Майли, дада, таъмир тугагандан кейин обберасиз-да, – ўғлининг кайфияти кўтарилиб кетди. – Биламан, компьютер жуда нозик нарса, чанг ўтириб қолса, дарров бузилиб



қоларкан.

– Шундай ўғлим, кейин сенга компьютер ўргатадиган устоз топамиз. Компьютер орқали ўқиш ва ёзишни ўрганиб олса ҳам бўлади. Мактабга боргунингча, хат-саводинг ҳам чиқади.

– Қандай яхши! – бола хушнуд жилмайди, кўзлари қисилиб кетди. – Мен сизни жуда яхши кўраман, дада.

Узалиб, дадасининг бўйнидан қаттиқ қучоқлади, юзларидан ўпиб қўйди.

Отаси “ҳамиша эшигингда молинг бўлсин, мол жонга балогардон бўлади”, дер эди. У бу гапнинг маъносини унчалик тушунмаса ҳам ҳамиша қўйларнинг курт-курт қилиб емиш чайнашини томоша қилишни яхши кўрарди: “Озроқ ем-хашак олиб қўйсам, буям бир эрмак-да”. Кунда кунора кириб, уларнинг ишига баҳо бериб кетадиган дўкондор жўра ниятини эшитиб, хурсанд бўлди: “Бекорчи болалар кўп, ўзим уста топиб бераман. Тўрттагина қўй сиғадиган болахонали ихчам қўра бўлса, тепасида хашак туради, пастда қўйлар!.. Мен ҳам молни жуда яхши кўраман. Аммо хотин хоҳламайди. Ем-хашагини оббераман, фойдаси ўзингники, десам ҳам кўнмайди, энағар. Сенга қараб, зора бизнинг одамлар ҳам мол-қол қилишни ўрганиб олсалар. Лекин кўзим етмайди-да. Аждаркўлдек битмас туганмас хазина турганда, ким ҳам қўй боқиб, қий супуриб юради”.

Қўзиларни ҳам ўзи топиб берди: “Бир қўшним бор. Куёви ўлиб, қариган чоғида қиз билан неварра боқиб ўтирибди. Бир неварраси ўқишга кирган экан. Кеча шунинг контрактини тўлашим керак, тўртта тўқлим бор, шуни тўрт юздан олинг, деб чиққан эди бечора. Менинг ҳовлимда на қўра бор, на молга қарайдиган одам. Хотинга сира керак эмас, болалар ўқишда. Шуни сен олиб қўя қол”.

Улар биргалашиб бобонинг уйига боришди. Унинг қўзиларга харидор бўлиб келганини эшитиб суюниб кетди: “Бозор ҳам анча йўл. Неварралар ҳам қиз бола. Булар билан мол бозорга бориб бўлмайди. Ёлғиз ўзим эплай олмайман. 400 дан берсангиз бўлади. Соғлом, ҳаммаси қочган, пулингиз ўзингиз билан кетади”.

Қўзилар дуркунгина эди.



- Ҳар бирига 450дан бераман, бобо.

- Нега? - ҳайрон бўлди чол.

- Қўйларингиз менга ёқди.

Чол сертомир қўлларининг кафти билан мижжаларини артди:

- Барака топинг, илоё. Яна нимани сотсам экан, деб ўтирган эдим. Худоё, бирингиз минг бўлсин. Етимнинг кўзига термилтиргулик қилмасин.

Бечора чол ўз дардини айтди, лекин унинг ҳасрати Иброҳимнинг ярасини тирнаб ўтди...

Иброҳим ҳовлини ажриқдан тозалашни ўз бўйнига олди. Ҳали усталар дўконни таъмирлашни бошламаган, у тайёр бўлмаган жойга мол ёйиб, савдо бошлашни истамади. Усталарга тушлик тайёрлашдан бошқа иш йўқ, тушликка бир кун макарон димласа, бир кун шўрва қилиб қўя қолар, аслида билгани ҳам шу овқатлар эди.

Усти сап-сарик бўлиб куйиб ётган ажриқларнинг томири кигиз юнгларидек чувалашиб, тошдек қотиб кетган эди. Бир қулоч жойни бир кун ағдарди, қўллари қавариб, ўзи қора терга тушди. Ўтиб-қайтиб юрган уста йигитлардан бири маслаҳат берди: "Акамнинг трактори бор, хўп десангиз, эртага келиб, ағдариб беради. Ажриқ жуда ёмон нарса, трактор чуқурроқ ағдаради, кейин ўзингиз ажриғини ажратиб олиб, тупроғини тозалаб олаверасиз". Иброҳимнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Трактор ағдарган жойни тозалагунча ҳам бўлари бўлди, ўзиям бир парча томорқадан чиққан ажриқ илдизи бир дунё бўлди. Илдизларнинг тупроқларини қоқиб-қоқиб, кўчага эмас, қўрага ташиётганини кўрган йигитлар ҳайрон қолишди: "Буни нима қиласиз, амаки?". "Қўйларга берамиз, уларга беш-олти кун эрмак бўлади". Қўйлар эса бу ажриқларни бир ойдан кўпроқ вақт эрмак қилиб ётди. Буни кўрган кунда-кунора бир кириб ўтадиган жўраси ёқа ушлади: "Қойил!"

Лекин терлаб-пишиб эгат тортиб, бир дунё турли-туман дарахт ва гул кўчатлари қадаб чиққанини кўриб, унга ачингандек, бош чайқади: "Э-ээ, ошна, бу жойларда янтоқ билан саксовулдан бошқа ҳеч нарса битмайди. Бекор овора бўпсан-да". "Нимага овора



бўламан? Тупроқ бўлса, ёнгинамизда шундай улкан кўл бўлса, бир парча ерни кўкартириш унчалик қийин бўлмаса керагов”. “Кўлнинг суви пахтага кетади, бу кўчаларга келмайди. Сенинг бир парча томорқанг учун ким ариқ қазиб, бу ерга сув олиб келарди?” бош чайқади жўра. “Ошна, ғам ема, бир иложини қилармиз. Жуда бўлмаса, насос қаздираман. Ичимлик суви деб беришаётган сувлари ҳам, менимча, шу кўлнинг сувига ўхшайди, жуда бўлмаса, шундан суғорамиз”. Жўра мот бўлди: “Ҳа, кўймайсан. Ғайрат қилавер, бола-чақани олиб, бир кун сеникига маёвкага келамиз”.

Аслида Иброҳимнинг бор ҳаракатида фикри хаёлини қамраб олган ғамни унутиш, иш билан овуниб, вақт ўтказиш ва ниҳоят кундузи итдек чарчаб, тунлари тош қотиб ухлашга қаратилган ожизона мақсад яширин эди. Қўйларга қараш, томорқанинг ҳали у ерини, ҳали бу ерини туртиб, усталарнинг ош-овқатига андармон бўлиб, кўпинча куннинг қандай ўтаётганини билмай қолар, баъзан овқатлари эзилиб, ёки хомроқ бўлиб қолса, хижолат бўлар, бегона жойда кимдан ёрдам сўрашни билмай қоларди. Бир-икки марта ёши элликларга бориб қолган бир аёл “Усталар учун, ука. Мен икки уй нарида тураман, қўшниман”, деб овқат олиб чиқди. Бири кади манти, бири картошка-пиёз солиб қилинган гулхоним эди. Аёлгина ҳар сафар тоғорани узатаётиб, жуда хижолат тортарди: “Ука, арзимаса ҳам... Усталар хамирли овқатни яхши кўради. Мазаси ёқса, ўзингиз ҳам ерсиз”. Лекин, “арзимас нарсалар солинган бўлса ҳам” таомларнинг мазасига гап йўқ эди. Қўшни кетгач, уста йигитлар аёлни изиданоқ унга таништиришди. “Барфин хола, эри автоҳалокатда ўлиб кетган, унинг-бунинг хизматини қилиб, беш болани элга қўшди. Болалари ҳам жуда одобли”.

Аёлгина учинчи марта тоғора кўтариб чиққанида, Иброҳим унинг ўзини ҳам дастурхонга таклиф қилди:

- Келинг, хола, биз билан бир пиёла чой ичинг. Таом эгаси билан ширин, деганлар.

- Йўғ-е, иним, сизлар бемалол...

- Сизда бир оғиз гапим ҳам бор эди, хола, келинг, қани. Жаҳон, момонгга чойдан қуйчи... Шу-у, десангиз, бизга бир ёрдамчи керак эди. Ўзим ҳам овқат пиширишни озроқ биладигандайман, лекин, шу-у, ўғлимга сизнинг овқатларингиз ёқиб қопти. Кир-чир, супур-сидир дегандай, агар имконингиз бўлса, ўғлимга момо бўлинг... Бунинг момоси



анча узоқда, ҳар кун кўриб келишнинг иложи йўқ. Момосини соғиниб қолаяпти-да, – у иложи борича ниятини кўнгилга тегмайдиган тарзда қоғозга ўраб айтишга интилди. Бу аёлни яхши билмаса, балки ўзи камбағалгина бўлса ҳам, бировнинг хизматкорлигини қилиш нафсониятига тегиши мумкин.

– Хўп, иним, кўлимдан келганича ҳаракат қиламан, – супанинг четида омонатгина ўтирган аёл серажин, сўлғин юзлари қизаринқираб ерга қаради.

– Биз ҳам қараб турмаймиз, ҳола, ўзим мана бу дўконни ишлатмоқчиман. Кун бўйи уйда ҳисобман. Дўконда ўтириб картошка-пиёзсингизни артиб беравераман. Тўрттагина кўзим бор, унга ҳам ўзим қарайман. Жаҳонгир ҳам уйда. Ота-бола кўлимиздан келганча сизга ёрдам берамиз. Усталарнинг иши ҳам охирлаб қолди. Кейин фақат уй юмушлари қолади. Бизни бошқариб, иш буюриб турадиган бир одам керак-да.

– Йўғ-ей, иним, ҳаммасини ўзим қилавераман. Уйда келин, қизлар бор. Ҳамма ишни кўлимдан олишган, шукр. Ҳозир мен қип-қизил бекорчиман, – аёл кулимсираб Жаҳонгирга қаради, – шугина улимга момо керак бўлса, мана, биз момо бўлдик-да унга. Учинчида ўқийдиган бир неварам бор, фақат “беш”га ўқийди, агар хўп десангиз, келиб, Жаҳонгирбой билан бирга ўйнайди. Мол-ҳолингизга қарашади.

Аёлнинг соддагина мутойибаси ўртадаги бегоналик пардасини кўтариб ташлагандек бўлди. У кетаётиб, шумшайибгина турган Жаҳонгирнинг елкаларидан олиб, бағрига босди:

– Ўзи жуда ширин бола экан-у, аммо сиз уни кўп ишлатаяпсиз, чоғимда. Бу баъзан-баъзан бўлса-да, тенгқурлари билан ўйнаб туриши керак. Эртага неварамни олиб келаман. Иккаланг ошна бўлиб олганларингдан кейин бизникига ҳам бориб ўйнаб келасан. Бўптими?

Иброҳим аёлга уйнинг калитларидан бир-бир нусха берди: “Биз уйда бўлмай қолган пайтларимизда ҳам бемалол кириб-чиқаверишингиз учун, хола”.

Гўё ҳаммаси жой-жойига тушган эди: энг сўнгги урфдаги таъмир, чиройли уй жиҳозлари, бир пасда ним яшил куртаклар чиқариб қолган кўчатлар, ҳовлининг тўрини тўлдириб турган қўйлар... Бир қадам жойда дўкон... Ҳамма жойи саранжом-сарашта,



эрталаб нонуштаси, тушда тушлиги, кечқурун кечки овқати тайёр. Барфин хола оғзига қараб туради: “Нима егиларинг келаяпти? Нима пиширай?” Овқатлари бири-бирдан мазали. Невараси ҳам жуда ақлли, одобли бола экан, ҳам момосига кўмаклашади, ҳам Жаҳонгирнинг кўнглини олади. Шу бола келгандан буён Жаҳонгирнинг кўзларида қалқиб тургувчи мунг ўрнини маъюсгина табассум олди. Икки ўртоқнинг боши бириккан дамлар баъзан шарақлаб куладиган бўлди. Лекин Иброҳимнинг кўнглини босиб олган қора булут сира тарқай демасди. Кун ўтган сайин елкасини босиб турган ғуссанинг залвори ошса ошар, зинҳор камаймас эди. Юрса-турса, умрининг сўнгги кунлари ноҳақ хўрланган аёлининг илтижоли қиёфаси кўз ўнгидан кетмас, ҳар оқшом унга “совға” ҳозирлаб турадиган қизларининг овозлари қулоқлари остида жаранглаб турар, аждарҳодек оғзини очиб турган уч лаҳад унинг пажмурда лошини ҳар куни юз марта ютиб, юз марта туфлаб ташларди. Ўғли учун алоҳида хона қилиб берган бўлса-да, ўғлини бир кеча ҳам ўша хонада ёлғиз ётишига қўймади, худди кимдир олиб кетиб қоладигандек ёнига олиб, қаттиқ бағрига босиб ётарди. Ярим тунлар алоқ-чалоқ тушлар кўриб уйғониб кетса, хавотир билан шошиб, тўшакни тимирскилаб ўғлини излаб қолар эди. Баъзан ёлғиз ўзи Аждаркўлнинг бир хилват қирғоғига бориб, бор овози билан ўкириб йиғлагиси келар, эҳтимол йиғласа, кўз ёшларига қўшилиб, кўнглидаги ғуссалар ҳам оқиб кетармиди, деб хаёл қилар, ўғли ўқишга кетган дам кўлга чиқар, баъзан қайиқ билан ичкарилаб кетар, аммо бахтга қарши кўзидан бир томчи ҳам ёш чиқмас эди. Хотини ва қизлари тез-тез тушига кирар, худди ўзи ўйлаб топган тушдек уларни ҳар сафар бир хил ҳолатда кўрарди. Улар чиройли либосларда, ниҳоятда хурсанд, лекин ўша машъум кечада кўргани каби юзларида доғ-дуғ бўлиб қолган куюк излари, сочлари оловдан жизғанак бўлиб қолган ҳолда юришарди. У эса ҳали тўлиқ уйғонмасдан туриб, бу тушга таъбир излар, эртаси ҳам кун бўйи шу туш таъсиридан чиқа олмай азобланар ва неча-неча мингинчи бор ўша кеча ёниб турган томнинг тагида ўзи, ёлғиз ўзи қолиб кетмаганлигига афсус қиларди: “Агар уйда бўлганимда шу фалокатлар юз бермас эди... Эҳтимол қизларим ҳар доимгидек мени кута-кута кундаликларини ёстиқларининг тагига қўйиб ухлаб қолишгандир. Мен эса!..”

Ёз кунларидан бири эди. Ёнгинасида Аждаркўлдек баҳри уммон қулоч кериб ётган бўлса-да, чошгоҳдан сўнг шаҳарча кўчалари ҳувиллаб қолар, кўпчилик ёз ойларида ишдан таътил олиб, иқлими мўътадил жойларга дам олишга кетар, кетолмаганлар ўзини соя-салқинга урар, то куннинг тафти қайтгунча, ҳеч ким ҳеч кимни изламас эди. Қўйларидан бирров хабар олиб қайтган Иброҳим пештахта ортидаги ихчамгина қилиб



ёғочдан махсус ясалган каравотчага ўғлини ётқизиб қўйиб, ўзи телевизор томоша қилиб ўтирган эди. Дарвоза ёнига келиб тўхтаган енгил автоулов диққатини тортди. Машинанинг орқа эшиги очилиб, ундан... Гулхумор тушди. Ҳайдовчи дўконни кўрсатиб, унга нималардир деб тушунтирди. У эса раҳмат айтиб, тўғри дўконга қараб йўл олди. Иброҳим бир зум саросимага тушиб қолди. Бошига тушган азиятларда Гулхуморнинг ҳеч қандай гуноҳи бўлмаса-да, шу аёлга бўлган савдойи туйғулари сабаб энг азиз инсонларини қийнаб қўйгани учун уни кўришни, у билан кўришишни умуман истамас эди. Шу топда дўконнинг орқа эшигидан чиқиб қочиб кетишни жуда-жуда истади, аммо Гулхумор аллақачон остонада бошини бироз қийшайтирган ҳолда жилмайганча унга қараб турарди:

- Ассалому алайкум, бой бова!..

- Э-ээ, келинг... Ваалайкум ассалом, - ноилож ўрнидан туриб унинг қаршисига пешвоз чиқди.

Жаҳонгир ҳам ҳали ухламаган эди, ўрнидан туриб, келувчига ажабланиб қаради. Гулхумор уни кўриб, табассум қилди:

- Эҳ-ҳе, ётоқхонали дўкон экан-ку бу.

- Ҳа, энди, - чайналди Иброҳим. - Ёнимда бўлгани маъқул-да.

- Маъқул, маъқул. Қалай, полвон? - Гулхумор пештахта оша узалиб, боланинг бошини силаб қўйди. - Катта йигит бўп қолибсан-ку.

- Раҳмат, - Иброҳим пештахта ортидан курси олиб, уни ўтиришга таклиф қилди. - Келинг, ҳозир чой бераман.

Гулхумор курсига ўтириб, пешонасида тепчиб турган реза-реза тер доналарини сидириб ташлади:

- Ҳаво жуда исиб кетди. Ёндираман, дейди-я нақ, - у қўлини фотиҳага очиб, ҳамон анграйиб турган Иброҳимга қаради. - Ўзингиз ўтирмайсизми? Қани, ўтириб олинг. Илоҳи омин, дўконингизга барака берсин.



- Раҳмат. Яхши юрибсизми? – бироз хотиржам тортиб, ҳол-аҳвол сўради Иброҳим. – Биз томонларга қандай шамол учирди сизни? Менинг Аждаркўлда эканлигимни кимдан билдингиз?

Гулхуморнинг кулиб турган кўзларига маъюслик инди. У ҳамон уларга қараб ўтирган болакайга бир қараб олиб, оғир хўрсинди:

- Беташвиш одам шу иссиқда мана шу дашту биёбонларда саргардон бўлиб юрармиди? Қаердалигингизни акангиздан сўраб билдим. Худо унутган бир бурчакларда юрибди, деб шу ерни айтдилар. Қани эди мени ҳам ҳамма унутиб юборса, ҳеч ким изламаса, изласалар ҳам тополмаса, шароитсиз бўлса ҳам икки болам билан тинчгина, бежавотир яшасам экан, деб изингиздан келдим.

Бу ҳасрат кутилмаганда пайдо бўлишдан ҳам ошиб тушган эди:

- Нима бўлди сизга? Тинчликми?

Гулхумор ерга қараб, анча тин олди. У бошини кўтарганда кўзлари тўла ёш эди:

- Эрим... Дозани ошириб юбориб... Ўлиб қопти. Шундан буён менга тинчлик йўқ. Қайнонам билан онам “Болаларни бер. Улардан ажралишни истамасанг, ўзинг ҳам бирга юр. Булар ёлғиз ўғлимдан қолган ёдгорлик”, деб жанжал қилишяпти. “Икки болани боқиб, тарбиялаш учун шароити йўқ, уйи йўқ”, деб мени судга ҳам беришди. Холам шўрлик “Уйим шунга қолади”, деб васиятнома ёзиб бергач, зўрға қутулдик. Энди холамнинг болаларига ёқмай қолдим. Очиқ бир нарса дейишмаса ҳам, муносабатлари ўзгариб қолган. Бўлмаса, ҳаммасининг алоҳида уй-жойлари бор, вақтида оналари билан тургилари келмай, алоҳида уй-жой қилиб чиқиб кетишган. Шундай бўлса ҳам холамдан кейин бу уйни ҳам сотиб, пулини бўлиб олмоқчи бўлиб юришган экан. Майли, мен бу уйга сира даъвогар эмасман. Ўзи кичкинагина уй, сотганда ҳам ҳеч нима пул бўлмайди. Аста-секин пул тўплаб, кичкинароқ бўлса ҳам ўзим уй олмоқчи бўлиб юрибман. Энди уларнинг қовоқ-тумшуқларига қараб, у ҳовлида нафас олиш ҳам қийинлашиб боряпти. Васиятнома ёзилгандан сўнг катта ўғиллари холамнинг уйига ўзининг ўғлини олиб келиб қўйди. Бошқалари ҳам жуда серқатнов бўлиб қолишган. Хуллас, мен у ердан зудлик билан кетишим керак.



Гулхуморнинг бошига тушган янги мусибатлар Иброҳимнинг кўнглида ачиниш ҳиссини уйғотиш ўрнига негадир унга жуда малол келди: “Тавба, бир бечоранинг ёлғиз ўғлидан қолган неваралар экан, ўзининг борадиган жойинг йўқ, қайнонанинг ёнига бориб яшайвер. Еб қўймас ахир! Бир кун ўлиб кетса, ўзингга ҳам, болаларингга ҳам тайёр бошпана. Эҳ, одамзод-а!..” Аммо тиш ёриб, бир сўз айтмади.

– Озроқ жамғармам бор. Битта-иккита тилла тақинчоқларим бор. Холам ҳам болаларидан бекитиб, уч-тўрт тилла тақинчоғини менга бермоқчи. Бу ёқларда уй арзон, дейишади. Суриштириб, кичкинароқ бўлса ҳам бирон уй топиб бера олмайсизми?

Иброҳимнинг бошидан ҳуши учиб кетди. Бу жувоннинг “Уй топиб беринг”, дегани, “Борадиган жойим йўқ, уй топгунингизча, икки болам билан сизнинг уйингизда яшаб турайлик. Ким нима дейди? Рашк қиладиган хотинингиз бўлмаса...”, дегандек бўлиб эшитилди. Эҳтимол, аёл очиқ айта олмаяпти-ю, лекин кўнглида шундай фикр бордек туюлди унга. Яна ким билади.

Иброҳим қаршисидаги аёлнинг интиқ тикилиб турган нигоҳларига дош бера олмай, ерга қаради. Бутун вужудида оғир бир толиқишни ҳис этди. Анча вақт жим қолди. Нима бўлганда ҳам аёлнинг дилини оғритмасдан жавобини бериб юбориши лозим эди. Хотиралардан қочиб, шу жойларга келиб юрганда, бу аёлни кўчириб келиб, ҳар тўқнаш келганда ярасини бир янгилаб, азоб тортишнинг нима кераги бор? Бундай азобга дош берадиган куч-қуввати борми унинг?

– Энди-и-и, – ниҳоят бошини кўтариб, салмоқлаб гап бошлади у. – Бу жойларда сотиладиган уй топиш жуда қийин. Тўғриси айтсам, бу шаҳарчага ишёқмас, текинхўр одамлар йиғилган. Аждаркўл битмас-туганмас хазина, шаҳарчанинг ярим халқи ҳеч қаерда ишламасдан балиқ овлаб кун кечиради. Улар балиқ сотайин, деб кўчага ҳам чиқиб ўтиришмайди, мижозлари келиб кўтарасига олиб кетишади. Улар салгина ҳаракат билан балиқ овлаб, топган пулларига нон, гўшт-ёғ, картошка-пиёз, албатта, ароқ сотиб олишади. Уларга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Яхши шароит, башанг турмушни орзу қилишмайди. Агар шу кўлдан узоқроқ жойга бориб яшашса, булар очдан ўлади, чунки улар меҳнат қилишни иташмайди. Бу жойлардан уй сотиб олишни орзу қилганлар жуда кўп, лекин бу жуда қийин масала. Менинг уйим ҳам бир



тасодиф туфайли сотилиб қолган. Лекин менинг ўйлашимча, яқин йиллар ичида бу кўл улкан чиқиндихонага айланиши аниқ. Унинг сувида ҳам, атрофида ҳам бирорта тирик жонзот қолмаса керак. Бир томонида санаторий, бир томонида касалхона, бир томонида асфальт заводи чиқинди сувларини шу кўлга тўкишади, чор атрофида очкўз одамлар кўлни булғаб ётишибди. Менинг ҳам бу жойларда бир умр қолиб кетиш ниятим йўқ, ота-онам кексайиб қолишди, “кел” деб ётишибди. Вақти соати етганда уларнинг ёнига қайтиб кетаман.

Унга термулиб турган чиройли кўзлардаги умид ўрнини аста-секин умидсизлик, оғриқ, аламли изтироб эгаллаб олаётганини кўриб турарди. Аёлга раҳми келиб кетди, аммо у ҳақиқатан иложсиз эди. Орадан тўрт йил ўтиб ҳам бешафқат хотираларидан қутула олмаган ҳолида шафқатсиз ҳақиқат билан ҳар кун юзма-юз келиб яшашга сира кучи етмас эди...

- Сиз сиқилманг, Гулхумор, - аёлнинг ранги оқара бошлаганини кўриб, вазиятни бироз юмшатишга уринди у. - Мен суриштириб кўраман, лекин бирон нарса ваъда қила олмайман. Ошна-оғайнилар бор, уларга ҳам айтаман. Лекин умид жуда кам. Бирон нарса бўп қолса, ўзим сизга хабар қиламан.

Гулхумор кўлидаги чойни охиригача сипқориб, пиёласини “тақ” эткизиб пештахта устига қўйди-да, ўрнидан турди:

- Бўпти, бўлмаса, мен борай.

Дўконнинг очиқ қолган эшигидан пешинга қараб оққан қуёш бор нурини ичкарига тўкиб турарди. Иброҳим пештахта тагидан сочиқча олиб, юз-бошини қоплаган терни артди. Ўрнидан туриб, аёлнинг ортидан юрди:

- Мен сизни шоҳбекатга олиб бориб қўяман, - кета-кета ўғлига юзланди, - юр, Жаҳон, холани кузатиб қўямиз.

Офтоб ҳам улар билан бирга йўлга тушгандай бўлди. Иброҳим машинанинг ойналарини беркитиб, кондиционерни қўшиб қўйса ҳам машина саломида кўнгилни лоҳас қиларлик ҳарорат пасаймади. Кўчалар эса эгаси кўчиб кетган ҳовлидек ҳувиллаб ётар эди. Иброҳим шаҳарча марказидаги янги қурилган қаҳвахонанинг ёнида



машинасини тўхтатди:

- Аждаркўлга келиб, балиқ емасдан кетсангиз, яхши бўлмайди. Тушинг, сизни бир меҳмон қилай, - деди Гулхумор тумтайиб ўтирган орқа ўриндиқ томон бурилиб.

Гулхумор қошларини чимириб, зардали бош чайқади:

- Умуман шарт эмас, мен балиқни ёмон кўраман.

- Балиқ бўлмаса, бошқа бирон нарса олармиз, - илтифот қилди у.

- Қорним тўқ, овора бўлманг.

Аёлнинг шаҳарча ҳақида кўпиртириб айтган гапларидан эмас, Иброҳимдан хафа бўлаётгани кўриниб турарди. Иброҳим эса масъулиятни бўйнига олиб, нимадир ваъда бериб, унинг кўнглини тинчитиш ўрнига, маслаҳат берди:

- Аслида ўзингизни қийнаб юрмасдан болаларингизни олиб, қайнонанинг ёнига қайтганингиз маъқулми, дейман. Тайёр уй-жой, болаларингизга ҳам қарашади, ҳарқалай ўзининг невараси. Гиёҳванд эр ўлиб кетган бўлса, бир кекса қайнона билан мураса қилиб яшаш жудаям қийин бўлмаса керак. Ҳарқалай фарзанд доғида куйган аёл, бир томони савоб бўлади, дейман-да.

Гулхуморнинг ранги оқариб кетди:

- Иброҳим!.. Сиз менга нима деяпсиз?! Мен ўша хонадонда ўн беш йил яшаганман, аммо бир кун ҳам кун кўрганим йўқ. Бировлар ўғли яримжон ёки гиёҳванд бўлса, келиннинг олдида елкасини қисиб, хушомад қилиб ўтади. Менинг қайнонам қилдан қийиқ ахтариб, ҳар ишимдан мингта нуқсон топиб, гиёҳванд ўғлига мени дўппослатарди. Мени ҳеч қачон одам ўрнида кўрган эмас. Ўғли нима учун гиёҳванд бўлиб қолган? Бу аёл умуман боласининг тарбияси билан шуғулланмаган, назорат қилмаган. Ишляпман деб, умри кўчада, йиғилишларда, базмларда ўтган. Ўғил онасининг мансабпарастлиги, ақлсизлиги учун гиёҳванд бўлиб қолган. У энди олтмишга кирди, саксонларга кирадиган бўлса, битта ҳовли-жой учун яна йигирма йил ўша бефаросат, инжиқ аёлнинг кўзига қараб яшашим керакми? Йигирма йилдан сўнг



мен олтмишга кираман, мен шўр олтмишдан кейин эркин яшайманми? Олтмишдан кейинги эркинлик кимга керак?! Йў-ў-қ, менга унинг ҳовли-жойи умуман керак эмас, мен ҳам ҳамма қатори дунёга бир марта келаман. Болаларим билан тинчгина яшашни истайман. Жуда бўлмаса, ҳовли-жой қилиб берадиган одамга эрга тегаман!..

У шу гапни айтиб бир зум жим қолди. Лаблари титраб, оқариб кетган ёноқларига дувиллаб кўз ёшлари тўкилди:

- Мен... Мен... Сиз ҳақингизда бутунлай бошқача фикрда эдим. Сиз бўлса... қийин кунимда кўкрагимдан итардингиз!.. Менга оддийгина одамгарчиликни ҳам раво кўрмадингиз. Шунча одам яшаётган жойда мен яшай олмас эмишман! Сенинг ташвишинг керак эмас менга, денг ундан кўра. Маслаҳатларингиз ўзингизга сийлов, мени тезроқ бекатга элтиб ташланг, - унинг овози титраб кетди. - Болаларим ёлғиз қолишган.

Иброҳим бу қадар очиқдан-очиқ маломатга қоламан, деб ўйламаганди. Гулхуморга нима дейишни билмай қолди:

- Узр, Гулхумор. Қийналиб юрманг, тайёр уй-жой, дегандим-да. Биттагина кампир экан, деб. Узр, мени кечиринг, кўнглингизни оғритиб қўйдим. Мен бир савдо ходими бўлсам, сизларга ўхшаб ўқиган бўлмасам, ҳамма нарсага ҳам ақлим етавермайди. Узр, минг бор узр.

- Биттагина кампир эмиш! Ярим Тошкент унинг қариндоши. Бирови кетса, иккитаси кириб келади. Ҳаммаси учун албатта бирон тансиқ овқат, оғизда эриб кетадиган пишириқ тайёрлаш керак, ҳамиша илжайиб, қўлимни кўксимга қўйиб туришим керак. Шусиз ҳам бу ҳаётда жуда чарчаганман. Энди бу ишлар қўлимдан келмайди. Бир умр келин бўла олмайман.

Иброҳим бекатга Гулхумордан ҳам кўпроқ ошиқди. Бекатга тезроқ етиб олса-ю, Гулхумордан ҳам, унинг шафқатсиз маломатларидан ҳам бира тўла қутулса! Еру кўк қайтаётган қуёш тафтида жизғанак бўлиб қуяётгандек эди. Иброҳим кондиционерни ўчириб, машинанинг ойнасини очди, аммо юзига ташқаридан иссиқ шамол урилди. Юраги беҳаловат бўлди: “Ўзимнинг ташвишим каммиди?”



Бекатга етиб келишгач, Гулхумор машинадан тушди-да, югуриб охирги мижозини кутиб турган биринчи машинага ўтирди, Иброҳим билан хайр-маъзур ҳам қилмасдан жўнаб кетди.

- Дада, бу хотин ким? - сўради машина жўнаб кетгач Жаҳонгир. - Нега у сизга бақирди?

- У менинг синфдошим, - бирон жўяли ёлғон ўйлаб топишга ҳафсала қилмади. - Уйсиз қолибди. Шу ердан бир уй топиб беринг, деганди, бу ерда бўш уй йўқ, десам, хафа бўлди. Ўзинг эшитдинг-ку ҳаммасини.

- Болалари бўлса, қийин бўпти-да уларга. Бизнинг уйимизда яшайверса, бўлмасмиди?

- Йўқ, ўғлим, бўлмас эди. Биласан, ўзи мазам йўқроқ, менга ошиқча шовқиннинг кераги йўқ.

- Майли, дада, - дарров рози бўлиб қўя қолди ўғли.

Ерга урса, кўкка сапчийдиган шўх бола ўша ёнғиндан кейин бирдан улғайиб, ҳатто кексайиб қолгандай эди. Онаси билан икки опачаси учун унинг истак-хоҳиши қонун эди, унинг ҳамма шўхликларини, инжиқликларини ҳеч қандай эътирозсиз кўтаришар, шунга яраша бола ҳам анча-мунча маҳмадона бўлиб ўсаётганди. Ёнғиндан сўнг у бирдан бола қиёфасидаги камгап, жиддий қарияга айланиб қолгандай бўлди. Бобосининг, аммаларининг уйида омон қолган оилавий суратларни йиғиб келиб, кичкинагина бир альбом ясаб олган, кўпинча Иброҳим унинг изидан хонасига кирса, уни ўша альбомдаги суратларга тикилиб, йиғлаб ўтирган ҳолда учратарди. Бола остонада уни кўриши билан альбомни ёпиб, югуриб келиб отасини қучоқлаб оларди-да, юзини унинг кўксига беркитиб, нозиккина елкалари силкиниб-силкиниб узоқ йиғларди, лекин бир оғиз ҳам гапирмасди, битта ҳам савол бермасди.

Унга маслаҳат берувчилар кўп эди. Ҳар ҳафта қанда қилмай бир келиб кетадиган отаси билан онаси, жўралари, ҳатто қайнонаси ҳам “Бўлар иш бўлди. Ёлғиз бола билан сўппайиб ўтираверасанми? Энди уйлан”, деб қайта-қайта неча бор тайинлаб айтишар, у эса ҳар сафар “Шошмай туринглар-чи, вақти келганда ҳаммаси бўлади”, деб жавоб қайтарарди. “Беш йил бўлди, болам. Сен айтган вақт қачон келади? Сенинг



тинчиганингни кўриб, бежавотиргина ўлиш менга ҳам насиб қиладимиди-йўқми ўзи?”, шу сафар онаси йиғлаб ёпишди. Онаси йиғлади, йиғлайверди, у эса ерга қараб жим ўтираверди. Охири юрагини очмаса, бўлмади: “Энажон, Жаҳонингизнинг яраси ҳали битмаган. Худонинг берган куни энаси билан опачаларининг расмига қараб, кўзлари намланиб ўтирганини кўраман. Шу боланинг устига қандай қилиб бегона аёлни олиб келаман. У аёл, ўгайлигига бориб, бунга қаттиқроқ гапириб қўйса, кейин бу қандай чидайдими, мен қандай чидайман? Вақти келади, ота, сизга ҳам бир маҳрам керак, уйланинг, дейди. Шундаям олдин уни уйлантириб, кейин ўзим уйланаман”. Она баттар йиғлади: “Ай, эси йўқ болам-а! Хотини ўлган, бола билан қолган бир сенми? Сен кўчадан келган бировга кўнгли ярим болангни турттириб, қараб турмайсан-ку! Яшаш нияти бор хотин болангни туртадимиди? Камбағални урма-сўкма, ёқасини йирт, дейишган. Ахир бу бола кўриб турган кўзинг-ку. Буни ким тушунмайди?”. “Эна, илтимос!..”. “Куйдириб адо қилдинг мени...”

Иброҳим ҳаётда хотини билан ажрашиб ёки хотини ўлиб, жуда ёш бева қолишса ҳам уйланмай ёлғиз ўтган эркакларни кўп кўрган. Шундай ҳолатларда аёл киши ёлғиз ўтса, одамлар унчалик эътибор беришмайди, аммо ёлғиз яшаётган эркак ҳамманинг кўзига жуда бошқача кўринади. Бир муаллимлари бор эди, қадди-баста келишган, жуда хушмуомала киши эди. Бутун мактаб – ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам унинг бир замонлар хотинидан ажрашгани-ю, энди ёлғиз ўтаётганлиги ҳақида гапиришарди. Ўша муаллим Иброҳимнинг кўзига ҳам ғалати бўлиб кўринар эди. Энди ўйлаб қараса, ўша бечоранинг ҳам бечора онаси “Уйлан, уйлан!”, деб қанча йиғлагандир... У эса кўнглидаги қайсидир озор учун аёл зотига эркак сифатида бетлаёлмай қолгандир. Иброҳимнинг ота-онаси ҳам ғанимат бўлиб қолди. Муаллимнинг ота-онаси эса ўтиб ҳам кетгандир. Ҳозир кимнинг эшигида экан шўрлик ёлғиз муаллим? Уканингми, аканингми? Балки уйлангандир...

У эса уйлана олмайди. Бир кеча тушида хотинини кўрди. Бу тушмиди, хаёлмиди, ҳалигача ажрата олмайди. Дўконда ўтирса, хотини кириб келибди. Унинг қошлари чимирилган, нимадандир норози эди. Нақ тепасига келиб, лаблари пир-пир учиб, ундан гина қила бошлабди: “Ҳа, дадаси, нега уйланмаяпсиз? Ахир уйланмоқчи эдингиз-ку! Мендан қандай қутулишни билмай юрган эдингиз, худойимнинг ўзи йўлингизни очиб қўйди. Аммо мендан қутулиш учун икки қизингизни беришга мажбур бўлдингиз”.



Бу гапни хотини тушида бир марта айтди, аммо у кўнглида минг марта жаранглади:
“Мендан қутулиш учун икки қизингизни беришга мажбур бўлдингиз!..”

Шундай пайтда Гулхуморнинг ташвиши унга ортиқча эди.

* * *

Чапдаст гавдасига ярашмаган ҳолда тиниб-тинчимас мавжудот эди. Кўлнинг ҳали у томонига, ҳали бу томонига сузиб кетар, баъзан неча йиллик узанги йўлдоши Қоракўзни ҳам ёлғиз қолдириб кетиб қолаверарди. Айланиб-айланиб қайтиб келганда эса, уни топа олмай жиғибийрон бўлар, ўз ҳолига сузиб юрган балиқларни у ён-бу ён суриб, кўлни ағдар-тўнтар қилиб ташларди.

Ўша куни ҳам Қоракўз ёлғиз қолди. Чапдастнинг тиниб-тинчимаслигидан бироз койинди, кўл тубига тушиб бироз тин олди. Болалиги ўтган баҳри уммоннинг шўртанг таъми ёдига тушди. Шунча йилдан бери яшаётган бўлсалар ҳам бу кўлнинг бадбўй ҳид анқиб турадиган, тузсиз, кўнгилни айнитадиган даражада бемаза сувига ҳеч кўника олмади. Айниқса, кўпинча оқ либосли мавжудотлар кириб-чиқиб юрадиган баланд иморатлар жойлашган қирғоқ атрофидаги бадбўй сувни умуман оғизга олиб бўлмайди. Бу қирғоққа иккита катта қувур қўйилган бўлиб, бири ғувиллатиб кеча-кундуз тоза сув тортиб ётади, иккинчисидан эса сувга ҳам ўхшамайдиган алланималар тўкилиб ётади. Кўлнинг ҳеч ким яшамайдиган яна бир қирғоғида ҳам катта бир иморат бор. Унинг қувурларидан ёғли қоп-қора суюқлик оқиб ётади. Бир марта Чапдаст билан ўша томонга бориб қолишган эди. Неча кун касал бўлиб сув тубидан чиқа олмай, ётиб қолишди. Шундан кейин ҳеч қачон у томонларга бормайдиган бўлишди. Қоракўз кўпдан бери Чапдаст рози бўлиб, ёнида юрса, ўша кеча-ю кундуз оппоқ тўлқинлар бири-бирига тўш уриб ётадиган шўртанг сувли, на замин, на қайиқ, на икки оёқда юргувчи ғалати мавжудотлар кўринмайдиган мусаффо баҳри уммонга кетишни орзу қиларди. У кўлнинг тубига тушиб, олис-олисларга кўз тикди. Ўзича у ён-бу ён тикилиб, сузар йўлларини режалаштирди. Чор атроф бир хил, сув ҳам оқар сув эмас, бир зайлда қалқиб тураверади, бу ҳолда манзил томон йўл топиш қийин эди. Оқим бўлса ҳам, оқимга қарши ҳаракатланиб, манзилга етиб олиш мумкин эди. Чунки улар оқим билан



келишган, оқимга қарши сузишса, кўзлаган манзилларига етиб олишларини тушунар эди. Кўлнинг суви жуда бемаза, ундан кўнгилни беҳузур қиладиган бадбўй ҳидлар анқирди. У сувдан бошини хиёл чиқариб, атрофни кузатмоқчи бўлди: “Балки қирғоқдан бирон белги топиш мумкин бўлар?”

Шу пайт кутилмаганда “Ана, ана акула!” деган қичқирикларни эшитди. У шундайгина икки қайиқнинг ўртасидан чиқиб қолган эди. Нима бўлаётганини англаб етгунича боши қандайдир тўрга кириб қолганини сизди. Кейинги ҳаракати эса бор гавдаси билан тўрнинг ичига кириб кетишига сабаб бўлди. Атрофдаги бақир-чақирлар авжига минди: “От! От, деяпман сенга! Тўрни ўйиб чиқиб кетиши мумкин”. “Бўл тезроқ, давай, ҳозир қайиқни ағдариб юборади!”. “Тўрни иккинчи қайиққа ҳам яхшилаб боғланглар. Бўл, ҳе, лаллайиб ўл. Онангни сени!..” “Бўл, моторни ўт олдир. Шериги кеб қолиши мумкин”. Улар кўпчилик эди шекилли, чор атрофдан ёғилаётган ханжарли таёқлар унинг аъзои баданини илма тешик қилиб ташлади. Қайиқларнинг тумшуғи қирғоқдаги қумга тикилгандан сўнг қий-чув баттар авжига минди. Қоракўз ҳали тирик эди. Қирғоқдаги одамлар ёпирилиб келиб, тўрни қирғоққа судраб кетдилар.

- Ву-у-уй, катталигини! Ўн метрлар бор-а, уккағар!

- Тирик! Тирик экан!

- Қоч, йўлдан қоч! Ҳозир шериги кеб қолса, ҳаммангни ямламай ютворади! Қо-оо-оч! Сувдан узоқроққа оббориш керак буни. Қочинглар!

Одамлар йиртқич ҳайвондан ҳам бешафқат эдилар, ким қўлига нима илашса, ўша нарса билан тўрда судраб кетилаётган балиқни уриб, азоблаб борарди.

Бу пайтда негадир юраги беҳаловат бўлиб сайрдан эртароқ қайтган Чапдаст сувдан бошини хиёл чиқариб қий-чув қилиб дунёни бузаётган одамларнинг ҳаракатини қизиқиш билан томоша қилиб турарди. Одамлар бақир-чақир қилиб тўрни қумлоқ соҳилга чиқаришгандан кейингина тўр ичидаги тутқун унинг Қоракўзи эканлигини билиб қолди. Ўқдек учиб ўзини қирғоққа урди, Қоракўзнинг атрофидаги одамлар “гув” этиб нари қочишди. Қоракўзнинг эса қимирлашга ҳам ҳоли йўқ эди, чанқоқ ва оғриқнинг зўридан оғзини катта-катта очиб, бир-бир тўлғаниб қўярди. Чапдаст унга



ваҳима билан тикилиб турган оломонга қараб, иложсизлигини англаб етди ва аламли изтироб билан ортига қайтиб кетди. Ва бир умрга қайиқларни, уни бошқариб юрадиган икки оёқли мавжудотларни ёмон кўриб қолди. Ёлғиз қайиқлар кўлнинг ичкарироғига сузиб киришини кутиб ётар, улар кўлнинг ўртасига етганда ҳужум қиладиган одат чиқарди. Аждаркўл ҳақиқий аждарҳо кўлига айланди. Қасоскор ақула ҳақидаги миш-мишларнинг бирига ўн қўшилиб, нафақат шаҳарча одамлари орасида, балки Аждаркўлдан жуда олис-олислардаги шаҳарларга ҳам етиб борди. Кўлни муҳофаза қилувчилар деяри бекорчи бўлиб қолишди. Чунки унча-мунча балиқчи аввалгидек оддий қайиқ билан кўлга чиқа олмас эди. Моторли қайиғи бор, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини ҳимоя қила оладиган катта овчиларга эса ҳеч ким ҳеч нарса дея олмайди. Чунки улар муҳофазачиларга ҳам чўтал узатиб турар эдилар.

* * *

Бу жойларда баҳор жуда тез ўтиб кетади. Дала-даштларга ўт-ўлан чиқиб улгурмасидан жазирама иссиқ бошланиб, саратон шафқатсиз мўйқалами билан барчасини сап-сариқ рангга бўяб ташлайди. Ҳансираб етиб келган ёз ҳамма жойга ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Бу ёз билан эринмай курашадиган одам керак. Иброҳим шу ерларда бир умр қолиб кетмаслигини билса ҳам, томорқада ишлашдан эринмасди. Меваси кўчадан ўтганларники, савоби бизники, деб ҳовли ортига ҳам узум экди. Чиройли ишком кўтариб қўйди. Ҳовли ичкарисида эса бодом, ўрик, олма-ю шафтоли, хурмо дарахтлари эрта баҳордан кеч кузгача гул-у меваси билан кўзи тушган мардумнинг ҳавасини келтириб туради. Аввалги беғам Иброҳим бўлса, қайта-қайта ажриқ босиб, қақшаб-қақшаб қолаверадиган ҳовлида шунча тер тўкмаган бўларди. У вақтни беўй ўтказиш учун, чарчаб толиқиш ва тунлари уйқусизликдан қийналмасдан тош қотиб ухлаш учун эрта саҳар туриб, ер чопар, экин-тикинини ўтоқ қилар, сув тарар, биров-ярим дўконга келганлар дарвозадан бўй кўрсата бошлагач, сал терини қотириб, Барфин хола тузаб кетган дастурхондан у-бу тотинган бўлиб, дўконга ўтарди. Боғ эса мискин хожаси кўнглининг акси ўлароқ кунба-кун яшнаб кетаверарди. Унга қараб, Иброҳим маъюс жилмайиб қўяр, агар даромад топиш учун ишласа, эҳтимол шунча ҳосил бермаган бўлармиди бу боғ? Ота-бола Барфин холанинг оиласи билан фақат ҳўл мева еб ётса ҳам, бу меваларни тугатишнинг иложи йўқлигидан Иброҳим



дўконга ҳам хўл мева чиқарадиган бўлди.

Шу йил Иброҳимга омадли келди. Жаҳонгири отаси осонроғига топшир, ўтолмасанг, ўксиб қоласан, десаям, “мен билимимга ишонаман”, деб катта институтга топширган эди. Худо қарашдими, ё билими ҳақиқатан ҳам яхшимиди, ўқишга кирибди. Бу хабар телефонига келганда улар шаҳарда юришган эди. Ўша дамда улардан-да бахтли мардум йўқ эди бу оламда.

Ота-бола шаҳарча марказидан яхшилаб бозорлик қилишди. Барфин хола бир нарса деб нолимаса-да, кейинги пайтда анча толиққанлиги кўриниб турарди.

- Бугун Барфин холани безовта қилмаймиз, ўғлим, ошни ўзим тайёрлайман, - деди Иброҳим.

- Мен шакароб тайёрлайман. Аммо биз уйга боргунимизча Барфин момом “Нима овқат қилай?” деб уйимизга келиб туради-да.

- Э-э, қўявер, момонгни ҳам бир нарса деб алдаймиз, ўғлим.

- Йўқ, дада, бугун алдаёлмаймиз, у кишига ўқишга кирганимни айтмасак, биздан жуда қаттиқ хафа бўлади. Айтсак, ўзлари байрам уюштириб ташлайди. Бугун биз ёрдамчи бўламиз у кишига. Ўғилларини ҳам чақирамиз ошга.

- Бўпти, ўғлим, сен нима десанг шу.

Ҳақиқатан ҳам улар машинадан юкларини туширгунча, Барфин хола қуйма ковушини судраб етиб келди:

- Тинчмисизлар? Неча марта келиб кетдим. Уйда ҳам, дўконда ҳам ҳеч ким йўқ. Булар қаёққа кетди экан, деб хавотирланиб ўтиргандим. Мошин ўтганини кўриб чопиб келавердим, - кампир Жаҳонгирнинг елкасидан олиб, пешонасидан ўпди. - Сен қандайсан, болам?

- Шу болага яхши қарамагансиз-да, момоси, - кулди Иброҳим. - Одамни ташвишга қўйиб юради доим.



- Нима гап? Нима қип қўйдинг, болам? - момонинг кўзлари хавотир билан пирпиради.

- Нима қиларди, момоси? Академияга ўқишга қабул қилишибди, - Иброҳимнинг овози титраб кетди. Ўтган йиллар мобайнида эрта-кеч иссиқ-совуғига қарашиб юрган бу аёл унга бир нарса демаса ҳам, Иброҳимнинг кўнглида қандай улкан ғусса борлигини биладигандай эди. Бу уларни она-боладек бир-бирларига яқин қилиб қўйганди. - Хола, тестнинг жавоблари келди. Шунга энди бунча бўлди, энди бир ош-пош қилиб, нишонлайлик, деб бозорга кетган эдик-да, - кўнгли бўшаб кетганидан хижолатланиб, ўзича кулиб ўғлининг елкасига қоқиб қўйди.

- Вой, болагинамдан ўзим ойнонай! - Барфин хола узалиб уни бағрига босди. - Шуни менга айтмасдан уйимнинг устидан қандайлар ўтиб кетдинг сен бола? Момомни бир суюнтирай, демадингми? Ай, болам-а, жонгинанг соғ, мартабанг улуғ бўлсин, - хола юзига фотиҳа тортди. - Ўзиям ҳазилакам ўқимади-да, менинг болам. Кеча-кундуз китобдан бош кўтаргани йўқ.

Хола белидаги катта шол рўмолни қайтадан боғлаб, ишга киришиб кетди, икки неварасини ҳам чақиртириб олди. Иброҳимни дўконга чиқариб юборди: "Боринг, сиз савдонгизни қилинг. Эртадан бери юз киши келиб кетди". Биров овқатга уннаган, биров ҳовлига сув сепган, биров дастурхон тузаган, хуллас, Барфин хола бир пасда ҳовлига байрамона руҳ олиб кирди. Иброҳим ошга холанинг ўғилларини ҳам чақиртирди, хотин-халажга ҳам катта лаганда ош чиқариб юборди.

Ошдан сўнг ҳовли яна ҳувиллаб қолди. Ичкарига киргиси келмаган Иброҳим ҳовлидаги ёғоч супада ўтириб хаёлга берилди. Хаёлан ҳаётнинг бешафқат қонунларидан куйинди, бирон яхшилик йўқки, унинг тўлови бўлмаса. Ўғли ўз билими билан, биринчи уринишдаёқ шундай катта ўқишга кирди. Бахт, омад! Лекин энди у кетади. Иброҳим эса кимсасиз ҳовлида ёлғиз ўзи қолиши керак. Энди хотиралар уни батамом еб қўяди. Ўзи азалдан одамовироқ эди, бошига тушган кўргиликлардан сўнг бегона жойларга келиб, баттар қобиғига ўралиб олди. Ҳатто эртадан кечгача эшигида юрадиган Барфин хола билан бирон марта ёзилиб гаплашгани йўқ. Бу аёл у ҳақда нима билса, онаси келганда, онасининг хасрат тўла гурунглари билан олиб олган. Аммо ўзи тиш ёриб бирон марта дардини айтмади, бирон масалада маслаҳат сўрамади... Энди бу беш йил қачон ўтади, қандай ўтади? Қачон келин туширади, қачон невара кўради? Қачон уйи



тўлади?

У ўз хаёллари билан бўлиб, ўғлининг уйдан чиқиб, ёнига келиб ўтирганини ҳам сезмай қолди.

- Дада! Дадодо-о-ов!

Ёнгинасида ўтирган Жаҳонгирни кўриб ҳайрон бўлди:

- Сен бу ерга қачон келдинг?

- Ё тавба, дада, олдингиздан ўтдим-ку, наҳотки кўрмадингиз? Чақираман, эшитмайсиз. Ухлаб қолдимикин, десам, кўзларингиз очиқ.

Иброҳим хижолатпазлигини яшириш учун кулди:

- Зўр одамлар кўзи очиқ ҳолда ҳам ухлайверади. Тинчликми, ўғлим?

- Тинчлик, тинчлик, дада, - Жаҳонгир нимагадир тараддудланиб, ерга қаради. Бироз жим қолди. Сўнг чуқур ҳўрсиниб, гапида давом этди. - Дада, уч-тўрт кундан сўнг мен кетишим керак. Аммо катта ҳовлига сизни қандай қилиб ёлғиз ташлаб кетаман? Кетсам, у ёқларда қандай юраман? Шу пайтгача ҳам, ҳамиша ёлғизлигингиз ҳақида ўйлар эдим. Ошналаримникига борсам, вағир-вуғир, қий-чув, энг тинч уйларда ҳам оталари оналари билан биргалашиб ғимир-ғимир иш қилиб юрган ё гурунглашиб ўтирган бўларди. Шундай пайтлар сизнинг ёлғиз ўтирганингиз кўз олдимга келиб, кўнглим бузилиб кетарди. Дада, илтимос, уйланинг. Агар уйланмасангиз, мен ўқишга кетолмайман.

Иброҳим бир кун келиб ўғли шу гапни айтишини билар эди. Аммо айнан бугун, шу тарзда айтиши, кейин унга қандай жавоб бериши ҳақида ўйлаб кўрмаган эди. У ўғлига ҳазиллашган бўлиб, жилмайди:

- Мен бу атрофда сенга оналик қилишга муносиб аёлни кўрмайпман-да. Мен уйланадиган аёл мендан аввал сенга меҳр бериши, сени яхши кўриши керак. Бундай аёл борми, ўғлим?



- Бор, дада, худди шундай аёл бор, - Жаҳонгир отаси томон сурилиброқ ўтирди. Дарвоза томонга бир қараб қўйиб, худди биров эшитиб қолишидан қўрққандек, пастгина овозда гапини давом эттирди. - Барфин момонинг кенжа қизи, Барчин опа. Биттагина ўғилчаси бор, эри вафот этган. У ёқда ҳам жойлари тор экан, қайнонасининг ўзи жавоб берибди. Бечора бу ерда икки янгага хизматкор, бизнинг кирларимизни ҳам шу аёл ювиб, дазмоллаб беради. Бирам яхши аёл, чиройли, хушмуомала. Мени ҳам жуда яхши кўради. Дада, шунга уйлансангиз, кўнглим хотиржам кетардим-да. Агар, агар... Сизни бир ҳовлида ёлғиз қолдириб кетсам... онам билан опаларимнинг руҳини ҳам чирқиратган бўламан, дада. Илтимос, йўқ деманг, дада.

Иброҳим беихтиёр ўғлининг кўзларига қаради, унинг нигоҳлари худди қалбидек беғубор эди. У тўлқинланиб кетди. Аёли билан қизлари ўлгандан кейин доим "Мен энди тамом бўлган одамман, менинг фақат сохти-сумбатим қолган", дерди ўз-ўзига. Бу фикрнинг ростлигини аввало ўзига исботлаш учун умр бўйи бутун куч-қувватини, иродасини инсоний хоҳиш-истакларини енгиллашга сарфлади. Ўғлининг дили оғримасин, деди. Аёлим билан қизларимнинг руҳи чирқирамасин, деди. Ўғлининг меҳри, нияти, беғубор нигоҳлари унинг қалбидаги занглари сидириб ташлагандай бўлди. Қандайдир енгил нафас олди. Ўпкаси тоза ҳавога тўлиб кетгандай бўлди.

- Дада, темир эмассиз-ку сиз? Ёнингизда бир меҳрибон инсон бўлишини истайман. Хўп, десангиз, кетгунимча...

Иброҳим хушҳол кайфиятда кулимсиради:

- Тўрт куннинг ичида-я? У пошикастани умримда кўрмаган бўлсам, ҳали унинг уйдагилари нима дейди? Ўзи рози бўладими, йўқми?

- Э-ээ, дада, бу ёғини ўзимга қўйиб беринг. Барфин момом сизни яхши билади, сиз рози бўлсангиз, қизини юмалоқ ёстиқ қилиб, уйимизга келтириб қўяди. Аршин молчидагидек, бир калла қанд, уч сўм пул, битта мулла, шу билан иш тамом, - айтган гапидан ўзи ҳам яйраб кулимсиради.

- Эҳ-ҳе, чатоқ-ку сен, қачон отасини уйлантирадиган катта йигит бўлиб улгурдинг? - Иброҳим ўғлини биринчи марта кўраётгандек ажабланиб юзига тикилди. - Шу-у, ундан



кўра сенинг ўзингни уйлантириб қўя қолсак-чи?

- Йўқ, бўлмайди. Мен ҳали ўқишим керак. Бола-чақа боқиш учун дипломли, касбли бўлишим керак, - ярим ҳазил, ярим чин қилиб таъкидлади у. - Ҳа, айтмоқчи, дада, Файзиддин деган ошнам қайиқларингни бир кунга бериб тур, акам билан балиққа чиқиб, бир дам олиб келайлик, агар хоҳласанг, сен ҳам биз билан юр, Тошкентга кетишдан олдин бир дам олволасан, деяпти. Нима дейсиз, дада?

Иброҳим узоқ йили бир устадан ажойиб моторли қайиқ сотиб олган эди. Ота-бола баъзан қайиқда кўлга чиқиб, балиқ тутиш учун эмас, шунчаки дам олиш учун мовий кенгликлар узра соатлаб айланишар, озми-кўпми балиқ ҳам овлашар, бу сайрда кўпинча на ота ва на бола деярли гаплашишмас, ҳар ким ўз хаёллари билан банд бўлар, ўз кўнгли билангина сўзлашар эди. Қирғоқдан узоқлаб кетишгандагина қайтишда моторни ўт олдириб изларига қайтишарди.

- Майли, ўғлим, - ўртадаги яхши кайфиятни бузгиси келмай, иложсиз розилик берди ота. - Файзиддин ҳам тестдан ўтибдими?

- Ҳа, лекин улар танка суришган.

- Парво қилма, ўзларига қийин бўлади. Ўқишга кириб олиш бир масала, киргандан кейин ўқиб кетиш масаласи ҳам бор. Билими бўлмаса, қийналади бола.

- Дада, мен ҳам бирга борсам майлими?

- Ўзингга қара, лекин жуда ичкарилаб кетманглар. Кўлда наҳанглар кўпайиб кетган. Беш йиллар аввал бир-икки бемаза балиқчилар бир акулани тутишган эди. Ўша акуланинг жуфти неча йиллардан буён қайиқ кўрса, қутуриб ағдариб ташлайди. Эхтиёт бўлинглар-да, ўғлим.

- Э, дада, бизнинг қайиғимизни ҳеч қандай акула қувиб ета олмайди. Эртага кечки пайт Барфин момоникига ўтаман. Совчиликка. Ҳа, аввал бир баҳона қилиб, Барчин опамни дўконга жўнатаман, бир кўриб оласиз, маъқул, десангиз...

- Кейин-чи? - ўғлидаги завқ-шавқ унинг кулгисини қистатди.



- Кейин... Барфин момомнинг кўнглини тўлдирадиган сут пули берасиз. Бир мулла келади, кейин момом билан Барчин опамни олиб келаман. Қўйларнинг биттасини сўямиз, ярми сизларга, ярмини мен ўқишга олиб кетаман. Курсдошларим билан еймиз. Бўладими?

Иброҳим ўғлининг елкасига қоқди:

- Ҳа, эрта келаверсин-чи, сен овга бориб кел, у ёғи бир гап бўлар.

Иброҳимга қўйса-ку, ўғлини бир дақиқа ҳам ёнидан силжитмасам дейди. Аммо ошнаси билан бирга боргиси келаётганини кўриб, бир нарса дея олмади. Ошнасининг акаси ҳам бирга бораётган экан-ку. Бир айланиб қайтишади. Эрта индин Тошкентга кузатса, ўғлимнинг биттагина илтимосини ҳам бажармагандим, деб ўзидан хафа бўлиб юрмайди.

Улар жуда эрта чиқиб кетишди. Файзиддиннинг акаси ўттизларга кириб қолган барвастагина йигит эди. Иброҳим унга қайта-қайта тайинлади:

- Эҳтиёт бўлинглар. Кўлда наҳанг кўпайиб кетган. Жуда ичкарилаб кетманглар. Бу Тошкентга кетади, тайёргарлик кўришимиз керак.

У ҳиқиллаган сайин Жаҳонгир хижолат тортар, Файзиддиннинг акаси “Хўп, хўп” деб турган бўлса-да, тобора энсаси қотиб бораётганлиги кўриниб турарди. Охири гапини ҳам бўлиб ташлади:

- Ака, мен шу кўлда катта бўлганман, уни беш бармоғимдай биладан. Сиз ўғлингиздан сира хавотирланманг. Ўғлингизни ҳам, қайиғингизни ҳам эсон-омон қўлингизга олиб келиб топшираман, - унинг овозида зардали иддао оҳанги бор эди.

Бошқа гапга ҳожат қолмади. Иброҳим уларнинг ортидан гуноҳкор боладек жовдираб қараб қолди. Уларнинг изидан кўтарилган чанг ётгач, беихтиёр чўнтагидан қўл телефонини олиб, соатга қаради. Соат роппа-роса олти бўлган эди. “Олти соат айланишса ҳам, ўн иккиларда қайтишади. Худо хоҳласа, бирга тушлик қиламиз”.

Аммо Жаҳонгир кечгача ҳам қайтмади. Иброҳим сўраб-суриштириб, Файзиддинларнинг



уйини топиб борди. Бироз иккиланиб туриб дарвоза қўнғироғини босди. Анчадан сўнг уйқуси бузилган одамдек норози оҳангда эркак кишининг “Ким керак?” деган овоз эшитилди. “Ё, тавба, одам шом кираётган пайт ҳам ухлайдими?”, ўзича ғижинди Иброҳим. Бироз ҳаяллаб, дарвозани майкачан барваста эркак очди, унинг ҳозиргина уйқудан тургани юз-кўзларидан шундайгина кўриниб турарди:

- Келинг, меҳмон, - эркак савол назари билан унга қаради.

- Шу-у, Файзиддин билан менинг ўғлим синфдош. Эрталаб бирга балиқ овига кетишган эди. Тушгача қайтиб келишлари керак эди. Нимагадир дараклари йўқ, шунга... сизларникига келишмадимикин, деб...

- Э-э, Жаҳоннинг отасимисиз? - эркак қайтадан қўл бериб кўришди. - Табриклайман, академияга кирибди. Молодес! Лекин ҳали улар қайтишгани йўқ. Укам ҳам бирга кетган эди, ҳеч хавотирланманг, у жуда абжир балиқчи, кўлнинг ичида балиқлар билан катта бўлган йигит у. Бундан беш йил аввал акулани тутган шоввозлардан бири шу-да. Ҳа, сиз улардан ҳеч хавотирланманг, ахир улар ёш бола эмас-ку. Ўз ҳолига қўйинг, урилиб-сурилиб, ўрни келганда пешонаси ғурра бўлиб, йўлини топиб олсин. Уйга киринг.

Мезбон унинг билагидан тутиб, ичкарига тортди:

- Қани-и...

Иброҳим акула ҳақида эшитган заҳоти деярли ҳушини йўқотган эди:

- Йўқ, ака, мен уйга кетаман. Чунки улар қайиқни олиб тўғри уйга боришлари керак эди. Уйда кутганим маъқул.

- Юракни кенгроқ қилинг, биродар, - эркак майка остидан дўппайиб турган қорнини силкитиб кулди. - Яна келинг, бафуржа ўтирадиган бўлиб.

Иброҳим йўлни тўғри Аждаркўл томон солди. Қайиқлар туширилиб-чиқариладиган қумлоқ қирғоққа яқинлашиб, машинасини бир четга қўйди-да, ўзи кўл бўйига энди. Шунча йил Аждаркўл бўйида яшаб, бирон марта ҳам кечки пайт сув бўйига келиб



кўрмаган эди. Шарбат солинадиган қоғоз қутилар, баклашкалар, консерва банкалари, селюфан халтачалар сочилиб ётган соҳилнинг бир четига ўтириб, кўлга тикилди. Қуёш заволга юз тутган, кўл бетигаги уфқнинг алвон жилоларини қонга ўхшарди, у сесканиб, кўзини кунчиқар томонга олди. Бир пасда бутун борлиқ туннинг қора чодирига ўраниб олди. Энди ҳадсиз-худудсиз сув қорамтир рангда қалқиб турарди. Унинг қулоқларига сув қаъридан қандайдир чорловга ўхшаш ваҳимали овоз эшитилгандек бўлди. Болалигида момоси кечки пайт сув бўйига борманглар, сувда дев бор, деб қайта-қайта тайинлар эди. Момоси ўшанда нима учун бундай деган, сувда ҳақиқатан ҳам дев борми-йўқми, лекин айна пайтда Иброҳим ўзини беомон, бешафқат мавжудот қаршисида тургандек ҳис қилди. Беихтиёр “Оқ кема”даги болакайни эслади. Бутун аъзои баданини муздек тер қоплади. Эти жунжикиб, беихтиёр машинаси томон қаради. Аммо ўрнидан қўзғолмади. Сувга тикилганча, қунишиб ўтираверди. Олис-олисларда балиқчи қайиқларнинг чироқлари лип-лип этиб кўринар, лекин ҳеч бири қирғоққа қараб ҳаракатланмас эди. Хаёлига “Балки, Жаҳонгир мен Файзиддинларнинг уйини излаб юрганимда, аллақачон уйга қайтиб келгандир. Дадам қаерга кетди экан, деб хавотирланиб ҳам ўтиргандир”, деган фикр келди.

У шошиб машинасини ўт олди-да, уйи томон елдириб кетди. Аммо эшикдаги қулф ночоргина осилиб турарди. “Балки...”, у машинадан тушиб ҳам ўтирмади, умид билан Барфин холанинг уйи томон бурилди. Хола машина овозини эшитиб, у ўриндиқдан турмасидан дарвозани очди:

– Ҳа, келдингларми?

– Хола, Жаҳонгир келмадимми? – саволига савол билан жавоб қайтарди у.

– Жаҳонгир? – ҳайрон бўлди хола. – Бирга эмасмидинглар? Ҳеч ким келгани йўқ. У қаерга кетган эди?

– Э-э, – кўл силтади Иброҳим. – Эрталаб бир ошнаси билан балиқ овига кетган эди. Ёнида ошнасининг амакиси ҳам бор эди. Тушгача қайтинглар, деб тайинлаган эдим.

– Сизни қаранг-а, бир парча болаларни ҳам овга юборасизми? – бош чайқади хола. Ранги оқариб турган Иброҳимга бир қараб, яна ўзи таскин берган киши бўлди. –



Хавотирланманг, ёнларида катта одам бор эди, деяпсиз-ку. Кўлнинг паст-баландини билмаган одам болаларни олиб кўлга чиқармиди? Балиққа қизиқиб кетишгандир. Ҳали замон келиб қолишади. Мен овқат қилиб қўйган эдим. Сузиб берайинми?

- Йўқ, шарт эмас, мен кўл бўйида эдим, балки улар қайтишгандир, деб хабар олгани келгандим. Яхшиси, кўл бўйига қайтиб кетаман.

- Ундай қилманг, болам, - хола уни ушлаб қоладигандек машинанинг эшигидан тутди.
- Уйга кириб, бир пиёла чой ичинг, ярим косагина овқат енг. Кейин устингизга иссиқроқ бирон нарса олиб, кўл бўйига чиқсангиз бўлади. Унгача шумтакаларингиз қайтиб келиб қолишса ҳам ажаб эмас. Ҳозир мен Абдурахмон акангизга айтаман, у ҳам сиз билан бирга қирғоққа боради.

“Ҳа, ажаб эмас...”, кўнглида “йилт” этган умид учқуни ёнди, “Балки аллақачон келишаётгандир ҳам”. У оғир судралиб, ҳовлига кирди. Барака топгур, Барфин хола ҳовлидаги, айвондаги чироқларни ёқиб қўйган экан. Ичкарига кириб, шкафдан тўнини олди. Сўнг ошхонага ўтиб, ярим косагина овқат сузиб олди. Овқат илиққина бўлиб турган экан. Бир бурда нон олиб, ошхона столининг бир четига ўтириб, овқатлана бошлади. У бир амаллаб чайнаётган луқмасини ютар, овқатнинг мазасини умуман ҳис қилмас эди. “Шуни ейишим шартми?”, косани суриб қўйиб ўрнидан турди. Шу пайт дарвоза томондан Абдурахмоннинг овози эшитилди: “Иброҳимбой!..”

Абдурахмон ҳам қалин тўн кийиб олган эди. Ёнига келиб, кўл бериб кўришди:

- Кетдикми?

- Сиз овора бўлмасангиз бўларди. Эртага ишга боришингиз керак. Ўзим бораверардим.

- Оворагарчилиги йўқ. Индамасангиз, онам ҳам бирга боргудек бўлиб ўтирибди, - кулди Абдурахмон. - Жаҳонгирни қандай яхши кўришини биласиз-ку.

Улар бирпасда кўл бўйига етиб келишди. Қорамтир сув юзида юлдузлар акси жилва қилар, олис-олисларда балиқчи қайиқларнинг чироқлари “лип-лип” этиб кўзга ташланиб турар эди. Қалқиб турган сув қаъридан эса бот-бот бояги чорлов эшитилиб кетарди. Тун ярмида қирғоққа иккита қайиқ қайтди, лекин улар Жаҳонгирларни



кўришмаган экан. Иброҳим Абдурахмон қистаган пайт машина ичига кириб, бошқа вақт қирғоқда ўтириб тонгни қарши олди. Тонг отгач, “йилт” этиб турган бир умид илинжида уйга ҳам бориб келди, йўл-йўлакай “Ишга боришингиз керак”, деб Абдурахмонни ҳам уйига ташлаб ўтди.

Чошгоҳга яқин Барфин хола неварасини эргаштириб, тугунчада егулик кўтариб келди:

- Хавотирланманг, болажоним! Қаранг, кўлда қайиқ кўп, ҳали замон қайтиб келишади. Машинага кириб, бир пиёла чой ичиб олинг. Қоринларингиз ҳам очиб кетгандир. Кеча ҳам ҳеч нарса емабсиз.

- Иштаҳам йўқ, хола, - у маъюс бош чайқади. - Ҳеч нарса емайман.

Барфин хола илтимос-у қистовлари иш бермагач, тугунчасини машинага қўйиб келди:

- Қорнингиз очганда ерсиз, - бирпас туриб қўшимча қилди. - Жаҳонжоним кеб қолса, ўзи ейди.

Кечки пайт уларнинг ёнига Файзиддиннинг отаси келиб қўшилди. Унинг ҳам кўзлари хавотирга тўлиб, ранги ўчиброқ турарди.

- Балиқдан қайтган биров-яримдан сўрамадингизми? - деди у қўл бериб кўришаркан.

- Сўрадим. Биттаси кеча кечки пайт кўрган экан. Ҳаммаси ҳар томондан келишяпти. Кўл катта... - худди ўзига гапиргандек кўлдан кўзларини узмасдан жавоб қайтарди.

Ҳалиги киши қўлини пешонасига соябон қилиб, кўлга тикилиб-тикилиб, “уф” тортганча чўнтагида жиринглаётган қўл телефонини олди:

- Ҳеч гап йўқ. Сен Каромиддиндан дурбинни бериб юбор. Узоқда қайиқлар юрибди. Кимлигини аниқлаш қийин бўляпти.

Тушга яқин уларнинг ёнига сийрак соқолли, қотма қария келди. Улар билан кўришиб, кўлга қаради:



- Ҳеч гап йўқми?

Файзиддиннинг отаси чуқур хўрсиниб, қарияга ёнидан жой кўрсатди:

- Ҳеч гап йўқ. Сиз уйда ўтираверсангиз бўларди, ота.

У “акула овловчи”нинг отаси эди.

- Қандай ўтираман, ўғлим? Бу болага ҳеч эс кирмади-кирмади. Бошқа бирон касб қил, десам айтганни олмайди, - у қалтираб турган кўллари билан кўзларини артди.

- Йиғламанг, ота, биринчи марта йўқ бўлиб кетиши эмас-ку унинг, - тасалли берган бўлди ўғли. - Ўзи йўқ бўлиб кетса ҳам майли эди, ёш болаларни ўзи билан олиб кетиб, ҳаммани хавотирга қўйганига нима дейсиз? Аҳмоқ! Қари отани йиғлатиб!.. Йиғламанг-е!

- Э-э, менга эътибор қилма, тешик кўзадан сув чиқар, қариганда кўнгил бўшаб қоларкан. Қани, шуни болалар тушунса...

Уларнинг қариндош-уруғлари кўп экан, кечгача кўл бўйида бир дунё одам йиғилди.

Эртаси куни беш-олти моторли қайиқ билан кўлни айланиб чиқишди. Кўл ҳамон сукутда, ҳеч нарса кўрмагандек жимгина қалқиб турарди.

Кейин ғоввослар келишди. Улар сувнинг тагига шўнғиб, кун бўйи шу атрофда тимирскиланиб юришди. Ҳар сафар кутаётганларга рўбарў келганда кўзларини олиб қочишди.

- Ифлослар! Булар номига сувга кириб чиқишяпти, умуман ахтаришаётгани йўқ, - Файзиддиннинг отаси неча марта уларнинг ёқасидан олди. - Яхшилаб изла, онангни... сенларнинг! Изламасанг, топиб бермасанг, нимага келдинг бу ерга?

Улар бундай изтиробли ҳолатларни кўравериб кўзлари пишиб кетганми, бир оғиз ҳам жавоб қайтармасдан, секин ёқаларини бўшатиб олиб, яна ўз ишлари билан машғул бўлишарди.



Бешинчи куни кўл устида айланиб юрган вертолёт “Акула овчиси” билан Файзиддиннинг сув юзига қалқиб чиққан жасадини топиб келишди. Кўл бўйига бутун шаҳарча кўчиб чиққан эди: ота-она, қариндошлар, фаоллар, қутқарувчилар, шунчаки томошагўй ҳангоматалаб бекорчилар... Йигитларни кўрган дўсту бегона баравар уввос тортиб юборди. Ким йиғлаган, ким ҳушдан кетган...

Иброҳим титраб-қақшаб қутқарувчиларга ёпишди: “Менинг болам қани?! Уни ҳам топиб келинглари, илтимос”. Аммо вертолёт кўлни ўн марта айланиб ҳам ҳеч нарса тополмади, ўғлингизни бирон наҳанг еб кетгандир, деб айтишдан андиша қилишди, шекилли: “Оёғи бирон нарсага илашиб қолгандир. Хавотирланманг, албатта топамиз. Биз ёнилғи қуйиб келайлик”, деб кетиб қолишди. Шу билан икки кун кўринмай кетишди. Барфин холанинг ўғиллари яна чақиришган шекилли, учинчи кун яна қидирувчилар пайдо бўлди. Пиёдалари сувга тушишди, чиқишди. Вертолёт икки-уч бор кўлни айланиб, унга бир оғиз бир нарса демасдан кетиб қолишди.

Иброҳим йигитларнинг мурдасини кўргач, батамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Шўрлик ҳали у қирғоққа бориб, ҳали бу қирғоққа бориб, тиз чўкиб, бошини қумлоқ соҳилга уриб, тил-забонсиз кўлга ялинади: “Кўл! Элни боққан она кўл! Онажоним! Ўғлимни қайтариб бер! Ёлғизимни қайтар! Илтимос сендан, мен Жаҳонгирсиз яшай олмайман. У менинг жону жаҳоним, усиз менга бу дунёнинг кераги йўқ!”

Кейин кўлларини осмонга узатиб, Аллоҳга илтижо қиларди, “Ё, меҳрибон Аллоҳим! Болагинамни қайтариб бер, унинг ёш жонига раҳм қил, сенга жон керак бўлса, мана, менинг жонимни ол, Худойим! Жону жаҳонимни ол, боламни қайтариб бер, уни асра, Худо-о-о!..”

Сўнг яна ҳеч нарса кўрмагандек сукут билан қалқиб турган кўлга юзланади: “Балиқлар, балиқжонлар! Мени, бизни кечиринглари! Сизларни Аллоҳ бандаларнинг ризқи қилиб яратган деб, тутдик, умрингизга зомин бўлдик. Ўғлимда сира гуноҳ йўқ, унга бу ишни мен ўргатганман, уни мен балиқчиликка ўргатганман. Уни кечиринглари, уни еб қўйманглари, уни қутқаринглари. Ўтиниб сўрайман, уни еб қўйманглари. Илтимос, кейин мен балиқ еяётган одамларга кўзим тушса, улар менинг боламни еяётгандек туюлаверади. Кейин қандай яшайман мен?! Илтимос, уни еманглари!..” У энгашган кўйи тиззаларига муштраб, бор овози билан бўкирарди: “Илтимос, уни еб қўйманглари... Мен



бунга чидай олмайман. Ё қодир Аллоҳ, ёлғизимни қутқар! Кўл, она кўл, онажоним, боламни қайтариб бер!..”

Унинг назарида олдида аждардек оғзини очиб ётган бешафқат кўл, унда Жаҳонгирини еб қўйиши мумкин бўлган баҳайбат балиқлар ва осмонда худодан бўлак ҳеч қандай мавжудот йўқ эди. Ортида ҳолдан тойган бечора отани қандай қилиб бу ердан олиб кетишнинг чорасини топа олмай, маслаҳат қилиб ётган одамларни, шунчаки қизиқиш туфайли бир-бир келиб кетаётган томошагўйларни умуман кўрмас, том битган қулоқлари ҳеч нарсани эшитмас эди.

Фарзанд кўйида ёниб-жизғанак бўлиб ётган Иброҳим неча йилдан буён битта кўл бўйида яшаб, муносабат-муомалалари салом-алиқдан нари ўтмаган ҳамшаҳарлари учун беихтиёр ўз одамларига айланиб қолган эди. Мусибат бирлаштиради, деганлари рост эди. Ҳадди сиққани ёнига бориб, бир пиёла сув билан бир луқма егулик таклиф қилади, панд-насиҳат қилиб, кўп куйинмасликни сўрайди, ҳадди сиғмаганлар кўл бўйидан кета олмай, тўп-тўп бўлиб, пичир-пичир гурунг қилади. Албатта, гурунглари ҳам Жаҳонгир ва фарёд чекиб ётган Иброҳим ҳақида бўлади.

“Бечора, бутунлай ақлдан озиб қолди, шекилли. Кўриб тургани, бори-йўғи шу ўғил эди. Худди тилсиз-забонсиз кўл, балиқлар уни эшитадигандек... Ҳеч кимнинг бошига бундай кўргиликни солмасин. Тавба...”

“Эшитиши мумкин, эшитади. Болалигимда, отам урушга кетган эди. Онам иккимиз шаҳарга ўтин сотгани бордик. Қайтгуниimizча қош қорайиб, кеч бўлиб қолди. Уйда икки укам қолган. Қайтмасак бўлмайди, шаҳарда қоладиган жойимиз ҳам йўқ. Йўлимизда бир чакалакзор бор эди, ундан кундузи ўтишга ҳам ҳайиқади одам. Юрагимиз така-пука бўлиб кетаётган эдик, қаршимиздан икки бўри чиқди. Биз қари эшакка мингашиб олган эдик. Эшак билан бўридан қочиб қутулиб бўладими ҳеч замонда? Мен бутун вужудим билан онамнинг белига ёпишиб олдим, онамнинг бутун гавдаси дағ-дағ қалтираётгани сезилиб турарди. Эшак турган жойида қотиб қолди. Бўриларнинг ёниб турган кўкиш кўзларига онамнинг ёнбошидан пусиб қараб турибман. Онам бир зум жим туриб, кутилмаганда бўриларга йиғлаб ялинади бошлади: “Бўрижонлар, бизга тегинманглари. Ўтинамани сизлардан. Уйда икки гўдагим оч ўтирибди. Оталари урушга кетган. Бизни еб қўйсанглари, уйда қолган норасидаларим ҳам беқаров, оч ўлиб кетади.



Илтимос!.. Менга раҳм қилмасанглар ҳам, гўдакларимга раҳм қилинглар”. Онам эшак устида ўтирган кўйи изиллаб йиғлаб, бўриларга ялинарди. Шундан кейин нима бўлди денг, бўрилар индамай ортларига бурилиб кетиб қолишди”.

“Шўрлик Иброҳимнинг шўрига шўрва тўкилди. Бу балиқлар одам гўштани жуда яхши кўраркан. Бир қишлоқда кутилмаганда янги-янги қабрлар чўка бошлабди. Бундан хавотирланган майит эгалари икков-учов бўлиб, бир пана пастқамга беркиниб олиб, янги майит қўйилгач, қабристонни пойлайдиган бўлишибди. Бир оқшом иккита барзанги йигит белкурак кўтариб келиб, янги қабрни қазिशга тушибди. Пойловчилар тишини тишига қўйиб, улар ишини охирига етказишини кутиб туришибди. Ҳалигилар қабрга тушиб майитни олиб чиқишиб, яна ҳеч нарса бўлмагандай, қабр устига тупроқ уйиб, майитни кўтариб кетишаётганда йўлларига кўндаланг бўлишибди. Кўп қийин-қистовлардан кейин ҳамма сир фош бўлибди. Улар майитни шахсий ҳовузда балиқ етиштирадиган бир нобакорга элтиб бериб, мўмай пул ишлашаркан. Ҳовуз қуритиб кўрилганда, унинг тубидан одамзодга тегишли ўнлаб бош чаноқлари, йўғон сон, билак суяклари чиқиб келибди. Ҳалиги набокор майитларни мичалаб-мичалаб, ҳовузга ташлаб юборар экан”.

“Инсофсиз! Мансаб учун, ифлос нафси учун, худбинлигидан бир-бировининг гўштани ейишга тайёр одамларни, пул, мол-дунё учун бир-бирини ўлдирган одамларни кўрганмиз, эшитганмиз. Энди ўлганларни ҳам безовта қилиб, балиққа бериб, сўнг одамларга едирадиганлари ҳам чиқибдими? Бу одамни одамга едириш дегани-ку ахир! Ё, алҳазар!..”

“Балиқни луқмаи ҳалол, дейишарди. Ҳеч бўлмаса, одам йилига бир марта балиқ еб, ҳалқумини ҳалоллаб туриши керак, дейишарди. Мана сизга, ҳалол луқма!”

“Билиб-билмай ҳар қандай гапни гапираверманг. Мен балиқларни яхши биламан. Улар одам гўштани ёмон кўришади. Тавба-а, бу одамлар нималарни тўқиб чиқаришмайди-ей?! Балиққа бериш учун махсус емлар, семиртирадиган дори тўлиб ётибди. Балиқ боқиб даромад қилаётган одам қабр ковлаб, жинойтчи бўлиб бошини оғритиб ётиши умуман шарт эмас!”

“Ковлайдиганлар бордирки, шу гап чиққан. Одамлар бекордан-бекорга гапирмайди”.



“Бу ёлғон гап. Ишонмайман. Ақлга сиғмайди”.

“Э-э, катта шаҳарларда сувга қуйилаётган қорамойларни кўрсангиз эди...”

“Манави шўр шу кўлнинг бўйида ўлиб қолса керагов... Неча кундан бери туз тотгани йўқ. Бўридай увиллагани увиллаган”.

“Лекин, жуда чарчади бечора. Насиҳатни олмаса. Азага борган ҳам, еб-еб йўқлайди. Бу бўлса...”

“Итини қара, кўлни айланиб чопиб-чопиб келади-да, сув ичиб қўяди, олдига ташлаган нарсага қайрилиб ҳам қарамайди. Эгасининг ёнида чўккалаб, унсиз йиғлаб ётибди жонивор”.

Барфин холанинг ўғиллари тунларни ҳам Аждаркўлнинг бўйида ўтказаётган Иброҳимнинг елкасини силаб, қоқ суяк бўлиб қолган гаварасини бағрига босиб, ялиниб-ёлвориб, бир тишлам-икки тишлам нон едирган, сув ичирган пайтлари ҳам бўлди. У қаршисида мажбуран овқатлантираётган одамга қандайдир гуноҳкорона, маъносиз жовдираб қарар, бир-икки луқма егач, қўлидаги егуликни итининг олдига ташлар, чўкиб кетган қўй кўзларидан шашқатор ёшлар оқарди...

Қуёш ўн олти кун машриқдан мағрибгача бўлган узоқ йўлни Иброҳимнинг кўзларига термулиб ўтказди. Ўн олти оқшом юрак-бағри қон бўлиб, уфққа бош қўйди. Ўн олти тонг ёллари қонга беланган ярадор шер каби уфқдан бош кўтарди. Ўн еттинчи кун эди. Кўлни айланиб чопиб юрган ит олисдан ҳуриб, эгасининг ёнига ўқдай учиб келди-да, унинг аччиқ тер ва тупроқдан қотиб кетган енгидан тортқилай бошлади. Иброҳимнинг қимирлашга ҳам ҳоли йўқ эди. Аммо кўнгли умид билан бир энтикиб, ўрнидан турди. Унинг юраги ит уйга бошламаётганини сизди. Номаълум бир яхшиликни сизди. Ит унинг олдига тушиб, соҳил бўйлаб келган йўлидан чопа кетди. Иброҳим ҳам алпонг-талпонг қилиб итига эргашди. Ит кўл четида ўсган катта бир дарахтнинг тагига бориб, осмонга қараб аввалгидан ҳам баландроқ товушда ҳура бошлади. Иброҳимнинг вужудига қандайдир ғойибона куч келди. У энди югура бошлади. Уларнинг ортидан кетаётган оломоннинг унга етиб олиши қийин бўлиб қолди...

Сув ювавериб илдизлари очилиб қолган ёввойи дарахтнинг тагида юм-юмалоқ қоп-



қора юнг билан қопланган нимадир қалқиб турарди. Иброҳим ўзини сувга ташлади. Бу Жаҳонгирининг боши эди. Унинг изидан бошқалар ҳам ўзларини сувга отишди. Дарахтнинг ўзидан ҳам катта илдизи йигитнинг қўл-оёғини шунчалик чирмаб олган эдики, бу илдизлардан уни неча девқомат йигит бир бўлиб, амаллаб ажратиб олишди. Йигитнинг қўл-оёғи музлаб қолган бўлса-да, бурнидан қип-қизил қон сизиб турарди...

– Болам, болажоним, жону-жаҳоним, – унга ёпишди ота.

– У тирик, қара, қони ҳали қотмаган. Машина олиб келинглар, дўхтирга олиб борамиз!

* * *

Жаҳонгир касалхонадан чиққандан сўнг улар яна кўл бўйига келишди: ота-ўғил, ит.

– Катта бир акула қайиғимизни ағдариб юборди. Бир амаллаб, қайиқни ўнғардик. Бирин-кетин қайиққа чиқиб олдик. Бир пайт қарасак, ҳалиги акула яна ҳужумга ўтди. Бу сафар кучли зарбдан қайиқнинг бир чети ёрилиб кетган экан. Қайиқни ўнғарсак ҳам, унинг ичидаги сувни тўкиб тугата олмадик. Кўлнинг ўртасида қайиғимиз чўкиб кетди. Изидан ўзимиз... Бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Қоп-қоронғи тун эди. Бир-бир кўзимни очаман. Сувнинг таги осмондаги юлдузлар шуъласиданми, бир ойдин, ёп-ёруғ кўришиб кетарди. Сув ютиб, ҳушимдан кета бошладим. Шу пайт қаердандир катта бир тўлқин пайдо бўлиб, мени сув юзига чиқариб ташлади. Сўнг яна ҳушимдан кетдим. Бу қанча давом этганини билмайман. Қоронғу кечада дарахт илдизлари ичида ҳушимга келдим. Бу илдизлар оёқларимга шунчалик чирмашиб олган эдики, улардан ўзимни ажратиб олишга ҳар қанча уринсам ҳам илож қилолмадим. Бир амаллаб бошимни сувдан чиқариб олдим. Бир-бир ҳушимга келганимда шамол олис-олислардан сизнинг овозингизни, одамларнинг ғала-ғовурини олиб келади. Аммо сизларни чақирай десам, сира товушим чиқмайди...

Иброҳим умрининг ўн етти кеча-кундузи қолиб кетган соҳилга келиб, яна ўша даҳшатли кунларидаги каби кўлнинг қаршисида тиз чўкди. Кўлларини осмонга кўтариб, Аллоҳга илтижо қилди: “Ё, меҳрибон Аллоҳ, билиб-билмай қилган гуноҳларимни кечиргин. Боламни қайтиб берганинг учун сенга беҳисоб ҳамду санолар



бўлсин! Ўзингга шукр, минг-минг шукр, Қодир эгам!”. Сўнг кўлга юзланди: “Сен ҳам кечир, онажоним кўл, сенга ҳам минг раҳмат. Биз адашган эканмиз, сен Аждаркўл эмас, Ойдинкўл, Онакўл экансан. Балиқлар, сизлар ҳам бизни кечиринглар, сизга ҳам минг раҳмат. Малика, сен ҳам мени кечир ва мендан рози бўл. Биладан, ўн етти кун сенинг руҳинг кўл устида чирқираб турди. Сени хавотирга қўйишни сира истамаган эдим. Бу менинг иродадан ташқаридаги нарса эди. Лекин шукр, Жаҳонгиримизни Худо қайтариб берди”.

Жаҳонгир отасининг елкасидан олиб, оҳиста ўрнидан турғизди. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, кўзларини артди:

- Дада, бўлди, йиғламанг. Биз яна биргамиз-ку.

- Ҳа, худога шукр.

Жамила ЭРГАШЕВА

“Ижод олами”, 2018/2